Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

3-йил чиқиши
30 ЯНВАРЬ 1968 й.
СЕШАНБА
№ 24 (483)
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЮБИЛЯРНИНГ КЎРГАЗМАСИ

Табиат манзарасига боқиб одим ташлаётган доҳий В. И. Ленин қиёфасига кўзингиз тушиши билан рассом талантига тан берасиз. Рассом севимли Ильич образига муносиб бўёқлар бера билгани туфайли доҳий қиёфасини ёрқин акс эттира олган. Бу Ўзбекистонда хизмат кўрсатган рассом Самиғ Абдуллаевнинг меҳнатига мансуб.

Ижодкор 50 ёшга тўлди. У ижод қила бошлаганига 30 йил бўлган бўлса, шундан беш-олти йиллик ижодини В. И. Ленин портретини яратишга бағишлади. Санъат музейидаги заллардан бирида рассом С. Абдуллаевнинг кўп йиллик ижодида яратган маҳсулотларининг кўргазмаси давом этяпти. Кўргазмада рассомнинг 12 та графикаси ва 45 та манзарали асари ўрин олган.

Айниқса, тошкентлик 14 комиссарнинг революцион фаолиятига бағишланган «Тошкент комиссарлари», Москва атрофидаги гўзал табиатнинг манзараларини акс эттирган бир қатор расмлари, машъал «Қизил Ўзбекистон» колхози ҳаётидан олинган «Осойишта кун», «Колхоз ҳовлиси», «Рўмол ўраган аёл» каби асарлари томошабинлар эътиборини тортади.

Високовольтний массивидаги Академия шаҳарчасининг ҳусни ой сайин ўзгармоқда. Бу ерда янги-янги бинолар барпо этилмоқда. «Главташкентстрой»га қарашли 7-механизация бошқармасининг пешқадам бульдозерчиси коммунист А. Кучеров шу ердаги қурилишда ишлаб кунлик нормасини ортиғи билан бажармоқда.

СУРАТДА: А. Кучеров.

ТУРИСТЛАР, СИЗЛАР УЧУН

Ўзбекистон қишлоқ меҳнаткашлари ва ирригаторларидан 60 дан ортиқ киши бу йил биринчи бўлиб чет эл саёҳатига чиқди. Улар Германия Демократик Республикаси билан Чехословакияда бўлиб, бу мамлакатлардаги шаҳарларнинг диққатга сазовор жойлари, иқтисодий ва маданий ривожланишда эришган муваффақиятлари билан танишдилар. Февралда эса Францияга ва бошқа чет мамлакатларга экскурсиячиларнинг яна бир неча группалари жўнайди.

1968 йилда геологлар, машинасозлар, тўқимачилар, ўқитувчилар, маданият арбоблари, маиший хизмат ходимларининг катта-катта группалари коллектив бўлиб Болгария, Польша, ГДР ва бошқа социалистик мамлакатларга саёҳат қиладилар, Европа бўйлаб, Балтика ва Шимолий денгизлар бўйлаб. Бельгия, Голландия, Ғарбий Африка бўйлаб, Дунай бўйлаб. Ҳиндистон, Цейлон, Мексика ва бошқа мамлакатларга сафарлар ўтказиш кўзланган.

(ЎзТАГ).

Ҳамида Бобобекова ўз меҳнатсеварлиги, камтарлиги билан шаҳримиздаги 2-тикув фабрикасининг аёллар ички тикиш цехида обрў қозонди. У беш йиллик планни муддатидан олдин бажарувчилар сафига қўшилиб, кундалик нормасини 125—130 процентдан адо этмоқда.

ЯНГИ БОШҚАРМА

Тошкентда яна бир қурилиш бошқармаси иш бошлади. «Висотстрой» трести қошида тузилган 69-бошқарма бошлиғи М. Абдуллаев бундай деди:

— Трест қошида 4 та бошқарма ишлаб турган эди. Бу — бешинчиси бўлади. Бошқармада 500 га яқин малакали қурувчилар ишлашади. Вазифамиз асосан осмонўпар биноларни қуришдан иборат.

Куйбишев кўчасида ҳам яна бир замонавий бино қурилишини бошлаб юбордик. Унга «Узбекнефть» институтининг коллективи кўчиб ўтади. Институтнинг бўлажак биносида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш учун барча имкониятлар яратилади.

Гоголь кўчасида ҳам республика прокуратурасининг биноси қурилмоқда.

Бугун Туркман бозори атрофида путурдан кетган уйлар бузилиб, катта қурилиш майдони тайёрланмоқда. Бир неча кундан кейин бу ерда республика Жамоат тартибини муҳофаза қилиш министрлигининг биносини бунёд этишга киришамиз.

● Беш йилликнинг зарбдор одимлари

КАЛЕНДАРДА ФЕВРАЛЬ

БЕШ ЙИЛЛИКНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРИШ УЧУН БОШЛАНГАН УМУМХАЛҚ МУСОБАҚАСИГА ҚЎШИЛГАН ШАҲРИМИЗ САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ КОЛЛЕКТИВЛАРИ ЯНВАРЬ ОЙИ ПЛАНЛАРИНИНГ МУДДАТИДАН ОЛДИН БАЖАРИЛГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА ОНА-ВАТАНГА ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ БЕРМОҚДАЛАР. ҚУЙИДА АНА ШУ РАПОРТЛАР ОҚИМИДАН АЙРИМЛАРИНИНГ МАЗМУНИ БИЛАН ТАНИШАСИЗ.

* * *

ОХУНБОБОЕВ НОМЛИ ТОШКЕНТ ПАХТА ТОЗАЛАШ ЗАВОДИ тайёр маҳсулотлар омборига 29 январда яна 135 тонна тола келиб тушди. Бу билан январь ойида ишлаб чиқарилган тола 1560 тоннадан ошди ва ойлик топшириқ бажарилди. 3000 тонна уруғлик чигит тайёрлаш плани ҳам муддатидан олдин адо этилди. Қорасув ва Жумабозор пунктларида уруғликни дорилаш ва хўжаликларга сотиш қизғин бошлаб юборилди.

Тола ажратадиган жин машиналарнинг ҳар бир арраси унумдорлигини 10.6 килограммга етказган коллектив бу соҳада республикамиз пахта тозалаш заводлари орасида яна биринчи ўринни эгаллади. 1 февралгача корхона аҳли 270 тоннага яқин қўшимча тола, кўплаб уруғлик чигит ишлаб чиқаришга бел боғлади.

* * *

СУТ КОМБИНАТИ 28 январь эрталаб ойлик план 100,6 процент бажарилганлиги ҳақида рапорт берди. Пойтахт меҳнаткашларига янги йилнинг ўтган кунларида 3630 тонна сут ва сут маҳсулотлари етказиб берилди. Комбинат 1 февралгача яна 400 тонна қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаради ва давлатга 22 минг сўм қўшимча фойда беради.

Корхона эришаётган ғалабанинг сири планлаштириш ва моддий рағбатлантиришнинг янги системасидир. Янги системага ўтилгандан буён ўтган 9 ойнинг самараларини кўринг: **коллектив аъзоларини моддий рағбатлантиришга пландаги 35300 ўрнига 40900 сўм, социал-маданий тадбирларга 17600 ўрнига 20 минг сўм, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга 55300 ўрнига 88 минг 600 сўм ўтказилди. Ишчи ва хизматчиларга бериладиган мукофот ўтган йилнинг январь ойидагидан 80,8 процент ошди.**

* * *

ТОШКЕНТ ТАМАКИ ФАБРИКАСИ январь ойи давлат топшириғини муддатидан 2 кун олдин бажарди.

Ҳозир корхонада меҳнат кўтаринкилиги янада ошган. Чунки февралнинг биринчи декадасида ишчи ва хизматчилар меҳнат стажига кўра ойлик **иш ҳақининг 40 процентидан 100 процентигача қўшимча мукофот** оладилар. Бу янги системанинг ажойиб самарасидир.

* * *

ХЎЖАЛИК БУЮМЛАРИ ЗАВОДИнинг коллективи 523 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, ойлик планни муддатидан илгари бажарди. Савдо тармоқларига 35 минг гулдор патнис, 270 минг қошиқ-вилка, 88 тонна эмалланган ва 40 тонна алюмин идишлар ҳамда кўплаб бошқа хўжалик буюмлари етказиб берилди.

Завод 6 хил янги алюмин идишлар, занглмайдиган пўлат чойнаклар ишлаб чиқариш учун қизғин ҳозирлик кўрмоқда.

* * *

100,7 ПРОЦЕНТ—ПЛАСТМАССА БУЮМЛАР ЗАВОДИнинг ғалаба рапортида шундай рақам бор.

Корхонада ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагидан 40 процент ошди.

Беш йиллик учинчи йилининг дастлабки ойида корхона бош корпусининг ярми ишга тушди. Саноат корхоналари учун кундузги ёруғлик берувчи «ПЛ-2Б» лампалари учун **патронлар ва улар учун «ШРСР-1» штепсель разъём ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.**

* * *

«ШАРҚ» МЕБЕЛЬ ФИРМАСИ республика маҳаллий саноат корхоналари ўртасида яна ғолиблигича қолди. Январь ойи давлат буюртмаси муддатидан олдин бажарилди.

Фирмада кичик габаритли янги диван ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Янги диваннинг ўриндиқ ва суянчиқлари паролон билан тўлдирилган, тўшакларни жойлаш учун бежирим яшчиги бор. У юмшоқ, чиройли ва қулай. Янги маҳсулотнинг дастлабки партияси 1 февралда харидорлар ҳукми учун савдога чиқарилади. Февралдан эса яна 2 хил янги маҳсулот—шкаф ва буфетларни кўплаб ишлаб чиқариш бошлаб юборилади.

● СССР Қуролли Кучларининг 50 йиллиги олдидан

МАДАНИЯТ ОЙЛИГИ

Куни кеча Ленин номли ҳарбий билим юртининг мажлислар зали байрам тусини олди. Бўлажак ҳарбий хизматчилар ҳузурига пойтахт санъаткорлари меҳмон бўлиб келишди.

Бу ерда бўлган концертда Меҳнат Қизил Байроқ орденли ўзбек давлат филармониясининг артистлари санъатларини намойиш қилишди. Томошабин-курсантлар республикада хизмат кўрсатган артис Баҳром Мавлонов, Юнус Тўраев ва созандаларнинг чиқишларини қизғин кутиб олдилар.

Шу учрашув билан Совет Армиясининг 50 йиллик юбилейига бағишланган маданият ойлиги бошланди. Ойликни Ўзбекистон Маданият министрлиги ва Маданият ходимлари республика касаба союзи марказий комитети ташкил қилди. Ойликни ўтказиш комиссиясининг масъул секретари, Маданият ходимлари касаба союзи марказий комитетининг инструктори Л. Е. Любимская бундай деди.

— Ойлик програмаси жуда кенг ва рангбаранг тузилган. Унда Совет Армияси жангчиларига яхши маданий хизмат кўрсатиш кўзда тутилади.

Туркистон ҳарбий округининг аскарлари ойлик давомида Ҳамза номли Ленин орденли академик драма театри, М. Горький номли рус драма театри, А. Навоий номли ўзбек Давлат Академик Катта театри, Муқимий номли музикали драма театри санъаткорлари билан учрашдилар.

Тошкент шаҳар халқ филармонияси талантлари, Ўзбек Давлат филармониясининг хор капелласи, чолғу асбоблари оркестри ва бошқа коллективлари ҳам қисмларда қатор концертлар беришга ҳозирлик кўришаётир. Булардан ташқари қисмларда жангчиларнинг ёзувчилар, олимлар, рассомлар, композиторлар, собиқ жангчи санъаткорлар билан ҳам учрашувлари ўтказилади.

Жангчилар пойтахтдаги санъат, тарих, халк амалий санъати, табиат музейларида бўладилар. Улар учун очиқ эшиклар куни ўтказилади. Экскурсиялар давомида Ўзбекистоннинг ўтмиши ва бугунги куни ҳақида суҳбатлар ҳам бўлади.

Хуллас, қудратли армиямизнинг катта тўйига бағишланган бу ойлик ҳар томонлама жонли ва мазмунли ўтади.

ЎЗБЕКИСТОН ЗАВОДЛАРИ—КУБАГА

Ўзбекистон заводлари ғўзага ишлов берадиган машиналарнинг бу йилги дастлабки катта туркумини Кубага жўнатди.

Ўтган йилнинг ўзидагина Озодлик оролига мингга яқин машина ва механизм юборилди. Чунончи, пахта териш агрегатлари экспорт қилиш уч баравар, пахтани қоп-қанорсиз тишийдиган трактор прицеплари юбориш беш баравар кўпайтирилди. Ҳозир Ўзбекистон ўз қишлоқ хўжалик машиналарини Осиё, Африка, ва Латин Америкасидаги ривожланаётган кўпгина мамлакатларга чиқармоқда.

Бу йил республика саноатининг яна 15 тармоғи корхоналари қардош Кубанинг катта буюртмаларини бажаради. Республика ишчилари Озодлик оролига кучли кўтаргич кранлар, радио ва кино аппаратлари, дори-дармонлар ва бошқа маҳсулотларни муддатидан илгари юбориш учун мусобақалашмоқда.

(ЎзТАГ)

● Шаҳримиз истиқболи

2-микрорайон—пойтахт дарвозаси

● УМУМИЙ МАЙДОНИ 35 ГЕКТАР ● 63 МИНГ КВАДРАТ-МЕТР ТУРАР ЖОЙ ● ЕТТИ МИНГ АҲОЛИ ● ТАРАС ШЕВЧЕНКО КЎЧАСИ КЕНГАЯДИ ● ТИТОВ НОМЛИ ЯНГИ ПРОСПЕКТ ҚУРИЛАДИ ● ПОЛТОРАЦКИЙ КЎЧАСИДА ЕР ОСТИ ЙЎЛИ.

«Узгипротяжпром» институти бош архитекторининг хонаси шу кунларда худди штабни эслатади. Институт ходимлари ҳал этилиши керак бўлган масалаларни шу ерда ҳал этмоқдалар.

Бу ерда лойиҳанинг бош архитектори Д. Л. Фелициантни, лойиҳа бош инженери В. В. Андреевни, архитекторлардан Л. И. Клейменов ва К. К. Мешчеряковларни тез-тез учратиш мумкин.

Чунки, бу ерда янги микрорайон яратишдек зарур масала ҳал этилмоқда. Бош архитектор Вениамин Самуилович Энкер лойиҳа авторларидан бири бўлиши билан бирга, бу ердаги барча ижодий группаларга раҳбарлик қилиб турибди. Шунинг учун ҳам унинг иши жуда кўп. Баъзида иш куни Тошкент шаҳар ижроия комитетида ёки шаҳар бош архитектори Александр Викторович Якушев билан суҳбатдан бошланадида, хонадаги иш столи атрофида масалани қандай бўлмасин ҳал этишга қаратилган суҳбат, мунозара ва ижодий изланишлар билан тамомланади.

Вениамин Самуилович микрорайон қурилишининг суратини ёзиб, ниҳоят жилмайиб қўйди.

— Худди самолётдан қарагандек кўринади-я, деди у.

Ҳужжатлари 2-микрорайон, деб расмийлаштирган янги турар-жой массивига пойтахтимизнинг Ленин районидан 35 гектар жой ажратилди. Бу жой қаерларни эгаллайди?

Бу микрорайон ғарби-шимолда Шота Руставели, шарқи-шимолда Тарас Шевченко, шарқи-жанубда Привокзальная кўчаларини ва ғарби-жанубда Титов номли проспектни ишғол қилади. Полторацкий кўчаси микрорайонни икки бўлакка ажратиб туради.

Микрорайонн и н г шаҳримизда ишғол қилган жойи муҳим ўрин тутганлигини эътиборга олиб, бу ерда архитектура жиҳатидан жуда сифатли бўлган 4 ва 9 қаватли замонавий уйлар қуриш мўлжалланган. Унда маданий-маиший хизмат кўрсатиш объектлари ҳам бўлади. Ленин районн — пойтахт дарвозаси бўлса, 2-микрорайон архитекторларнинг ибораси билан айтганда, ана шу дарвозанинг гули бўлиб қолади.

Шу муносабат билан Тарас Шевченко кўчаси 76 метрлик қилиб кенгайтирилади. Кафанов кўчасидаги собиқ районда 119 метр кенгликдаги Титов номли янги проспект қурилади. Бу проспект шаҳар транспортларининг тинимсиз ҳаракат қилиб туришига имкон беради.

— Микрорайонни н г жамоли қандай бўлади?

Бу ерда тошкентликлар учун 63 минг квадрат метр ҳажмда уй-жой қуриш ва бу уй-жойларда 7 минг аҳоли яшаши мўлжалланмоқда. Микрорайонда поликлиникалар, кутубхоналар, почта ва телеграф, кўп сонли магазинлар ва пионерлар уйларидан ташқари, аҳолига ҳар қандай маиший хизмат кўрсатадиган кўп қаватли уйлар комплекси. 20—30 минг номерга мўлжалланган тўрт қаватли автомат телефон станцияси биноси, 800 киши сиғадиган иккита ётоқхонаси билан Фармацевтика институтининг биноси, музика мактаби, ҳар бири 280 кичкинтойни ўз бағрига сиғдирадиган учта болалар боғчаси ҳамда минг ўринли мактаб бунёд этилади.

Қурувчилар микрорайоннинг ҳаммаёғини мевали ва манзарали дарахтлар билан кўкаламзорлаштирадилар. Полторацкий кўчасида ер ости йўли қурилади. Бу ерда истиқомат қилувчилар ҳозирги Салор ариғини танимай қоладилар. Илон изи бўлиб оқаётган бу ариқ тик йўлга солиб юборилади. Унинг атрофлари кишилар дам оладиган хиёбонларга айланади.

Бу ерда қуриладиган ҳар бир уй олдида болалар ўйнайдиган майдончалар ва ҳовузлар қурилади. Микрорайонни барпо этиш вазифаси «Главташкентстрой»н и н г қурилиш ташкилотларига топширилди. Бу йил лойиҳа ва изланиш ишлари амалга оширилади. Шунингдек, қурилиш майдонлари тайёрлаш ва қурилиш ишларини 1969 йилда бошлаб юбориш мўлжалланмоқда. Ҳозир «Узгипротяжпром» институтининг бир группа архитекторлари микрорайон қурилишининг лойиҳасини тузмоқдалар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССРда архитектура ва лойиҳалаш ишини ривожлантириш, Тошкент шаҳрини лойиҳалаш ва қуриш юзасидан кўп йил давомида самарали ишлаганлиги учун ҳамда туғилганига 50 йил тўлганлиги муносабати билан Тошкент шаҳрининг бош архитектори Александр Викторович ЯКУШЕВ Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

МЕҲМОНЛАР ТОШКЕНТ БИЛАН ТАНИШДИЛАР

Москва Совети ижроия комитетининг таклифига биноан Совет Иттифоқига меҳмон бўлиб келган Кобул муниципалитетининг делегацияси Ўзбекистон пойтахтининг ҳаёти билан танишди.

Кобул муниципалитетининг раҳбарлари Тошкентда зилзила оқибатларини тугатиш юзасидан қилинаётган ишлар билан айниқса қизиқиб танишдилар. Улар шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ҳ. А. Асомов ҳамроҳлигида Москва, Россия Федерацияси, Украина ва бошқа совет республикалари қуриб бераётган уй-жой массивлари, кварталларни кўздан кечирдилар.

Кобул муниципалитети делегацияси 28 январда Тошкентдан ватанига жўнаб кетди. (ЎзТАГ).

Ҳар бир киевлик ўзи яшаб турган ерида «Киев сервиси» савдо фирмасининг магазинларига берилган буюртмаси бўйича хоҳлаган вақтида озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиши мумкин. Бу фирма ўтган йили юз минглаб буюртмачиларнинг ҳожатини чиқарди.

СУРАТДА: фирманинг буюртмалар қабул қилиш марказий диспетчер пунктида.

П. Хоренко фотоси,
ТАСС фотохроникаси.

Жаҳон ойнаси

ЯДРО АЖАЛИ БИЛАН ЎЙНАШИШ ТЎХТАТИЛСИН!

Ичига ядро бомбалари ортилган Америка самолётларининг ўзга мамлакатлар территориялари ва сувлари тепасида учиб юришидан ташвишланаётган Тинчликни Ҳимоя Қилиш Совет Комитети баёнот эълон қилди. Комитет ўз баёнотида Пентагоннинг ядро қуроли билан масъулиятсизларча ўйнашаётганлигига қарши миллион-миллион Совет тинчлик тарафдорлари номидан, бутун совет жамоатчилиги номидан норозилик билдиради. Жаҳон жамоатчилиги, деб таъкидланади баёнотда, Америка генералларининг бутун-бутун мамлакатлар хавфсизлигини ва ялпи тинчлик манфаатларини хавф остида қолдираётган бемаъни ҳаракатларига муросасозлик билан қараб тура олмайди. Уларни халқлар иродаси билан ҳисоблашишга мажбур қилиш керак ва ўзга мамлакатлар осмонини тузатиб бўлмас оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган янги ядро фалокатининг доимий хавф-хатаридан мусаффо сақлаш лозим.

Баёнотга Тинчликни Ҳимоя Қилиш Совет Комитетининг аъзолари — таниқли олимлар, ёзувчилар, журналистлар имзо чекишган.

(ТАСС).

ГЕНЕРАЛ ХАНЗИКЕРНИНГ ЭЪТИРОФИ

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). Ичига тўртта водород бомбаси ортилган ва Туле районида (Гренландия) ҳалокатга учраган «В-52» бомбардимончи самолётининг топилган ҳамма парчалари радиактив элементлар билан зарарланган.

Информация агентликларининг хабар беришича, Туледаги ҳарбий ҳаво базасида бўлиб ўтган матбуот конференциясида генерал-майор Ричард Ханзикер шу гапни айтган. Самолёт ҳалокати сабабларини текшираётган Америка ҳарбий группасининг бошлиғи Ханзикер, менинг группам ҳалокат рўй берган жой атрофида икки футлик қор остида водород бомбаларининг радиактив парчаларини топиб олди, деган. Унинг айтишича, бомбанинг қолган қисмлари қор остига кўмилиб кетганми ёки Арктика музи орасида қолиб кетганми, ёҳуд Шимолий Юлдуз кўрфази тубида бир неча юз метр чуқурликка тушиб кетганми, буни ҳеч ким билмайди.

ТУРСУНОЙНИНГ ТОЛЕИ

ЛАВҲА

Энди нима қилсам экан? Яхши гапирсам бўлмаса, уришсам бўлмаса. Мунчаям ўжар бу Зафар?

Турсуной опа ишдан қайтаркан, муттасил Зафарни ўйларди.

Тушмагур, кечагина синфдоши Лобарни ёғочдан ясалган илон билан қўрқитса бўладими? Лобар бехуш бўлиб қолаёзди. Турсуной опа уни бағрига босди, юпатди. Лекин ўчакишгандай қаршисида Зафар тиржайиб турарди. Ўқиши тузук, шўхлиги бўлмаса, нуқул аъло ўқийди. Директор ҳузурига олиб кирди, онаси билан гаплашди. Хуллас, вақт ўтиб Зафар ўзини тутиб олди.

Бугун Турсуной опа ишга келаётганида шу Зафарни учратиб қолди. Вазмин, ақлли йигит бўлибди. Заводда инженер экан.

Зафар Турсуной опанинг илк қалдирғочи. Ўшанда биринчи йили бошланғич синфга дарс бериши эди. Ўзи ҳам шу 38-мактабда камол топган.

1952 йил. Бу даврда мактаб 11 йиллик бўлиб, 11-синфда бошланғич таълим ўқитувчилигига ўқитилар эди. Мактабни аъло баҳолар билан битиргач шу мактабга бошланғич синф ўқитувчиси қилиб олиб қолишди. Шунда у эндигина 18 баҳорни кўрган эди.

...Турсуной ўрта мактабда ўқиркан, географияга жуда қизиқарди. Бунинг боиси география ўқитувчиси Акбар Омиловнинг маҳорати ўз дарсига, муҳаббати, болаларни шу фанга қизиқтира олиши эди албатта...

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг география факультетига ўқишга кирди.

1957 йилда институтни имтиёзли диплом билан битиргач, шу институтга методист— ўқитувчи қилиб тайинлашди. Шунда ҳам мактабда ишлашни тарк этмади. Аспирантурага қабул қилинди. Ўқитувчилар малакасини ошириш институтида ўқиди.

Аспирантурани муваффақиятли тугатгач орадан бир йил ўтар-ўтмас «География дарсларида ўлка материалларидан фойдаланиш» темасида диссертация ёқлаб, география фанлари кандидати деган илмий даражани олишга муваффақ бўлади.

Ўқувчиларга география фанини ўқитишни турмуш билан боғлаб бориш керак. Уларни ўз ўлкаларининг табиий шароити билан, аҳолининг меҳнат фаолияти билан таништириш лозим. Ўқувчилар айниқса ўлкани ўрганишга қизиқувчан бўладилар.

Турли жойда яшаб турган ўқувчиларнинг ўз ўлкаси, табиатга доир тушунчалари турлича бўлади. Чунки, ўқувчини ўраб турган табиатни ўзи турли жойда турличадир. Масалан, Якутскда бўладиган совуқ билан Тошкентда бўладиган совуқ ўртасида катта фарқ бор. Тошкентдаги ўқувчи —5, —10 даража совуқни энг қаттиқ совуқ деб билса, Якутскдаги ўқувчи —40 —45 даража совуқни совуқ деб билади.

Ўқувчиларга ўзлари яшаб турган ўлка, табиат бойликлари устида географик маълумот берилса, ўқувчи ширин ўйлар суриб, кўз олдига Ватани, фаровон яшаётган халқи келади.

Турсунойнинг илмий ишида келтирилган тажрибалар шуни кўрсатадики, тажриба дарслари 2 та 5-синфда бошланиб, 8-синфгача давом эттирилди. Охирида, бу даврда одатдагидай дарс ўтилган бошқа синфлар билан солиштирилганда ўлка материалларидан фойдаланиб дарс ўтиш, турли жойларга экскурсиялар уюштириш натижасида ўқувчилар дарсларни пухта ўзлаштиришга муваффақ бўлишгани аниқланди.

Турсуной Абдуллаева ўзбек хотин-қизлари орасидан чиққан биринчи география фанлари кандидати бўлди.

М. ИЛЁСОВА.

СССР ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

✦ ✦ ✦

ИШЛАР ҚИЗИБ КЕТДИ

Куйбишев районидаги 189- ва 190-мактабларнинг 5- 8-синф ўқувчилари куни кеча В. И. Ленин номидаги ҳарбий билим юртининг шон-шуҳрат уйига боришди.

Жангчилар ўқувчиларга Туркистонда Совет ҳокимияти ўрнатилган дастлабки йилларда ҳарбий билим юртининг курсантлари босмачиларга қарши қандай кураш олиб борганликлари ҳақида гапириб бердилар.

Бу учрашувни кундан-кун ободонлашиб бораётган Високовольт массивидаги Зоя Космодемьянская номли кутубхона ходимлари уюштирдилар. Совет Армиясининг 50 йиллик юбилейи олдидан кутубхоначиларнинг ишлари илгаригидан ҳам қизиб кетди.

●

ДИЛЛАР ҚУВОНАДИ

Ҳа, гул ёздир, қишдир киши дилини қувонтиради, баҳрини очади. Самолётсозлик заводининг ишчилари ҳам гулга меҳр қўйишган. Корхона цехлари бўлимлари, болалар боғчаси, шифохона ва поликлиникасида «Шарқ» клубида ҳамма вақт ранг-баранг гуллар очилиб туради.

Бу гуллар заводнинг Киев кўчасида жойлашган шифохонасидаги парник хўжалигида, Коржантов этакларидаги Хумсон қишлоғига хусн бўлиб тушган «Кристал» дам олиш уйидаги гулхонада ўстирилмоқда. Куз фаслида тувакчаларга кўчирилган саккиз минг тупдан ортиқ ранг баранг гуллар ҳозир қиш фаслида самолётсозлар дилини қувонтирмоқда.

● *Фан—ишлаб чиқаришга*

ИСТИҚБОЛ ЙЎЛИДА

Институт раҳбари, химия фанлари доктори Абдулла Султонович билан танишиш, суҳбатлашиш осон бўлмади. Талантли олимнинг ишлари жуда кўп. Гоҳ Ўзбекистон Фанлар академиясининг президиумига, гоҳ Иттифоқимизнинг бошқа шаҳарларига уни тез-тез чақириб туришади. Ахир Ўрта Осиёда ягона ҳисобланган катта бир илмий марказ лабораторияларини бошқариш ўз-ўзидан бўлмайди-да.

Уч йил ичида илмий ходимларни 6 тадан 400 кишига етказиш ҳазилакам иш эмас. Илгари бирорта ҳам фан кандидати бўлмаган бу даргоҳда, ҳозир фан доктори, 25 фан кандидати, 50 дан ортиқ катта-кичик илмий ходимлар ижодий иш билан машғул. Институтдаги 12 ижодий лаборатория ҳозирги шароитдаги жуда бой табиий хом ашё ҳисобланган нефтдан мамлакатимиз оғир, органик синтез саноати ва нефть химияси тараққиёти учун керак бўладиган дастлабки маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг унча мураккаб бўлмаган усулларини ахтармоқда.

Ижодкор олимлар кейинги йилларда қандай ютуқларни қўлга киритишди? Олиб борилаётган илмий тадқиқотлар қандай самаралар бермоқда?

Бу саволимизга профессор Абдулла Султоновичнинг яқин шогирдларидан бири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи, институт директорининг ўринбосари Обид Сафоев қуйидагича жавоб қилди:

— Ўрта Осиё нефтни қайта ишлаш институти жуда ёш. Унинг ташкил этилганига уч йилдан салгина ошди. Ижодий ходимларимиз нефтдан полимер саноати учун керакли маҳсулотлар олиш мақсадида ижодий изланишларни қизғин давом эттирмоқдалар.

Маълумки бензол, жуда кўп хил синтетик материаллар, пластмассалар, толалар олишда дастлабки хом ашё сифатида ишлатилади. Масалан, ҳозирги вақтда кишилар томонидан жуда севиб кийиладиган нейлон кўйлаклар, капрон пайпоқлар, енгил кофталарнинг кўп турларини, саноатда рангли металлар ўрнига ишлатиладиган пластмассаларни олиш учун ҳам бензол керак. Кўмирдан ишлаб чиқариладиган бензол камлик қилгани учун институт олимлари олдига нефтдан бензол олишнинг янги усулларини топиш масаласи қўйилди.

Бу соҳада ишнинг қандай ҳал бўлиши танлаб олинадиган катализаторларга боғлиқдир. Катализатор — шундай моддалар мажмуидан иборатки, бу ишлов берилаётган модда билан реакцияга киришмайди, лекин реакцияни биз учун тегишли йўналишда олиб боришга имкон беради. Ойлар, ҳатто йиллар бўйи керак бўлган реакциялар катализатор иштирокида соатлар, минутлар, ҳатто секундлар ичида ўз меъёрига етади.

Табиий газ билан қиздирилиб чиқарилган конденсаторлардан фойдаланиб бензол олиш учун яроқли янги катализаторлар топилди. Бу ихтиро олимларнинг муваффақиятидир. Бу катализатор анча афзалликларга эга. Шунингдек, бензолнинг таннархини анча арзонлаштириш имкони туғилди. Янги метод ишлаб чиқаришга жорий этилса, мамлакатимизнинг бензолга бўлган талаби тўла қондирилади. Бу эса кенг химиявий истеъмол молларини кўплаб ишлаб чиқаришга шароит яратади.

Ҳозирги вақтда илмий-текшириш ишларига янги техника жорий этилмоқда. Масалан, илгари классик органик химия методларидан фойдаланилганда бир неча ҳафта, ҳатто бир неча ой талаб қилинадиган илмий тадқиқот ишлари ҳозир бир неча соат ичида тўлиқ ҳал этилади.

Обид Сафоевич институт олимларининг иши билан таништириш учун бизни юқори 4- қаватга бошлади. Узун коридор бўйлаб оқ халатли кишилар ўтиб турибди. Улар ўйчан, қатъийлик билан илм, фан сирларини ўрганишга шошадилар.

Катта илмий марказ лабораторияларининг бирида химия фанлари кандидати Ҳ. Ҳайдаров бошлиқ бир гуруҳ тадқиқотчиларни учратдик. Нефть химия процесси технологияси ва катализаторларни синтез ва синаш лабораторияларида олиб борилаётган ишлардан ацетондан метил изобутил кетон деган моддани олиш асосий мақсад қилиб қўйилган.

Ҳ. Ҳайдаровнинг шогирдлари лабораторияда катализаторларни ажратиб қўйган ҳолда махсус синовлар ўтказмоқдалар. Маълумки, метил изобутил кетон жуда қимматли модда бўлиб, у ҳар хил полимерларни, метроцеллюзани эритувчи модда сифатида лак-бўёқ саноатида ишлатилади. Шунингдек, пенициллин ва бошқа дориларни экстракция қилишда қўлланилади.

Олимларнинг лаборатория шароитида олиб борилган тадқиқотлари метил изобутил кетон саноатда бир неча афзалликларга эга эканлиги маълум бўлди. Бу моддани ацетондан олишда биринчи марта руҳ-мис, алюминий қотишмаси катализатор сифатида қўлланилади.

Химия фанлари кандидати С. Шамсиев бошчилик қилаётган аналитик химия лабораториясида ҳам қизғин иш бораётган экан. Бу ерни лабораторияларнинг юраги деса бўлади. Чунки институтда ишлаб чиқарилган катализаторларнинг сифатини шу лаборатория ходимлари анализ қиладилар.

Лабораториянинг илмий ходимларидан Мактуба Абдураҳимова ўз илмий ишлари устида тажрибалар ўтказяпти. Мираҳмад Юнусов, Тожихон Саъдуллаева, Малоҳат Мансурова, Маҳбуба Мусаевалар самарали ишлаб, катализаторларни моҳирлик билан анализ қилмоқдалар. Улар «ПЭК—56», потенциаметр аппаратлари ёрдамида катализаторлар таркибидаги кобольт, хром, никель, молибден ва бошқа металларни анализ қилишни яхши йўлга қўйганлар.

Ҳа, Ўрта Осиё нефтни қайта ишлаш институтининг ижодкорлари янги истиқбол йўлида. Бу йўл фан ва саноатимиз учун тинмай ижод қилиш демакдир.

Ф. АБДУРАҲИМОВ,
Х. ШАРИПОВ.

«Мир» атом реактори



Мелекесс шаҳри (Ульяновск области) атом реакторлар илмий-текшириш институтида яратилди. Бу Европадаги тадқиқотчи реакторлар ичида энг йиригидир. Атом реактори материаллардаги юқори температура остида интенсив ҳаракат қиладиган нейтронлар оқимини ўрганади. Унинг ёрдамида атом электростанциялари учун иссиқлик манбаи бўлиб хизмат қиладиган энергетика реакторларининг бутун-бутун конструкциялари ва иссиқлик ажратувчи элементларини синаб кўриш мумкин.

Янги атом реакторининг қудрати 100 миллион ватт, текширилаётган материалнинг ҳар бир квадрат сантиметр майдонидаги нейтронлар оқимини эса беш квадрильонга етказиш мумкин. Бундай катта қудрат билан ишлайдиган реактор материалларни текшириш муддатини бир неча йилдан бир неча ойгача қисқартириш имкониятини беради.

Тадқиқотлар ўтказишда қулайлик туғдириш мақсадида 16 та ҳалқали каналлар деб аталувчи каналларнинг ҳаммасини бир йўла ишга солиш мумкин. Текширилаётган материал мана шу канал орқали тадқиқ қилинади. Реактор думалоқ шаклда бўлгани учун бу каналлар унинг марказидан ташқи девор томонларига тарқалиб кетган бўлади.

«Мир» атом реакторида ғоят бойитилган уран ёнилғи сифатида ишлатилади. Унинг таркибида 90 процент 235—уран бор. Янги реактор 20—22 кун мобайнида тўла қувват билан узлуксиз ишлаши мумкин.

СУРАТДА: Мелекесс шаҳридаги янги «Мир» атом реактори.

М. Кулешов фотоси.



Бутун диққат-эътиборини ишга қаратиб турган суратдаги бу йигитни танийсизми? У Тошкент тепловоз депоси дизель поездларини ремонт қилиш цехининг пешқадам ишчиси Насриддин Ҳусанов бўлади. Меҳнатда пешқадам бу йигит зиммадаги топшириқларини 120—130 процент бажариб ҳамкасб дўстларига ўрнак бўляпти.

М. Нуриддинов фотолари.

ЧЕТ ЭЛ ФАНИ ВА ТЕХНИКАСИ ЯНГИЛИКЛАРИ

✦ ✦ ✦

ПЎЛАТ ТОЛАЛАР

Швециядаги бир концерн АҚШ учун диаметри миллиметрнинг 7000 дан бир бўлагича келадиган пўлат толалар ишлаб бермоқда. Қўшма Штатларда бу толалар оддий газмол толаларига қўшилиб, жуда пишиқ материал олишга ёрдам беради. Инсон сочи толасидан 25 марта ингичка бўлган пўлат толалар газмолнинг пишиқлигини, чидамлилигини оширади. Янги газмолдан иш кийимлари, пайпоқлар, гилам, космонавтлар ва болалар кийимлари тикишда муваффақиятли қўлланилмоқда.

●

ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР БОҒИ

Токиодаги бир ботаника боғида 1200 хил доривор ўсимлик ўстирилмоқда. Боғ томошабинлар учун ҳам очиқ бўлиб, улар доривор ўсимликларнинг медицина учун аҳамияти ҳақида ва бошқа темаларда лекциялар ҳам тинглашлари мумкин. Боғда ҳар йили ёш ботаниклар учун ёзги ўқиш машғулотлари ҳам ташкил қилинади.

●

БАЛИҚ ОВЛАШНИНГ ЯНГИ УСУЛИ

Яқинда Нью-Йоркда биоакустика бўйича коллоквиум чақирилди. Мана шу форумда япон олимлари балиқлар овқат еяётганда чиқарувчи овозни сунъий йўл билан ҳосил қилиб, балиқлар тўдасини тўр томон чорлаш мумкинлигини гапириб бердилар. Уларнинг фикрича, денгизларда ўтказилган тажрибалар ўз натижасини берган.

ЯНА ХИЖОЛАТДА ҚОЛМАНГ!

- Иш вақти бекорга кетмоқда
- Муҳим иш эътибордан четда
- Хосияти кўп вазифа.

Ички резервлардан, ишлаб чиқариш фондларидан оқилона фойдаланиш, фан ва техника ютуқларига суяниб иш олиб бориш — зиммадаги топшириқни шараф билан бажаришнинг муҳим омилидир. Бунинг учун аввало меҳнатни илмий асосда ташкил этиш даркор. Меҳнатни илмий асосда ташкил этишга қаратилган планларни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш эса ҳар бир корхона партия комитетининг диққат-эътиборида бўлиши керак. Ана шундагина унумдорлик ошади, маҳсулот таннархи камаяди, моддий ва меҳнат ресурсларидан яхши фойдаланиш мумкин.

Афсуски, «Ташхимсельмаш» заводида бунга етарли эътибор берилмаяпти. Бу нарса ишлаб чиқариш планларининг бажарилишида потекисликларига олиб келди. Ўтган йилнинг биринчи кварталида план бажарилмади, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ярим йиллик плани адо этилмагани туфайли завод раҳбарлари ер чизиб қолишди. Йил охирига келиб зиммадаги топшириқлар аранг амал-тақал қилинди. Пландаги 2500 ўрнига 2501 та пуркагич машина ишлаб чиқарилди. Қишлоқ хўжалиги машиналарига эҳтиёт қисмлар тайёрлаш плани ҳам зўр-базўр бажарилди.

Хўш, корхона нега йилдан йилга ўз шуҳратини пасайтириб боряпти? Нега бу ерда ойлик, квартал топшириқларини бажаришда қийинчиликларга дуч келинади? Ана шундай савол билан завод раҳбарларига мурожаат этгудек бўлсангиз, улар баравариға: «шароитимиз яхши эмас, корхона территорияси кичиклик қиляпти» деб жавоб беришади; меҳнатни илмий асосда ташкил этишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқаришга нега дадил жорий этмайсиз деб сўрасангиз, «тўғри, бу иш билан шу кунга қадар яхши шуғулланмадик», деб қўяқолишади.

Мана завод раҳбарлари айтган ўша «тор» территорияда юрибмиз. «ОТН8-16» маркали пуркагич машиналарига ишлатиладиган турли деталлар дейсизми, фрезерлик станокларидан чиққан темир «пайрахалар» дейсизми, хуллас, ҳаммаси завод ҳовлисида сочилиб ётибди. Темирчилик-механика цехига кираверишда эса занг босган деталларга, ҳар бири 5 сўмдан 20 сўмгача турадиган штампларга кўзингиз тушади. Шу цехнинг прессловчиси ерда ётган штампларга кўзи тушиб, дилидаги гапни айтди-қўйди:

— Тайёрлаган деталларимизни цехдан ҳовлига, ҳовлидан цехга олиб чиқиш билан бекорга вақтимиз ўтади. Тайёрлаган маҳсулотларни қўядиган жойимиз йўқ, бу ишчиларга ноқулайлик туғдиряпти,— дейди Г. Кузнецов.

Геннадийнинг бу гапига ажабланмаса ҳам бўлади. Чунки бундан ҳам ҳайратланарлироқ ишлар бўляпти бу ерда. У баъзибир деталларнинггина қишли-қировли кунларда ҳовлида ётишидан куйиниб гапиряпти. Аслида жўнатишга тахт қилиб қўйилган пуркагич машиналар ҳам очиқ ҳавода сақланяпти.

— Қор-ёмғир ёғса, маҳсулотларнинг сифати бузилмайдими,— сўрадик партия бюроси секретари ўртоқ Задорожнийдан.

— Йўқ, жин ҳам урмайди,— дейди у совуққонлик билан,— машинанинг бўёқлари мустаҳкам, кўчиб кетмайди, тўрт-беш ой бўлса ҳам у қор, ёмғир тагида тураверади...

Ана сизга қисқа ва лўнда «жавоб». Раҳбарларнинг оёқ остида ётган бу маҳсулотларга заррача бўлса-да юраги ачишмаганига доғ қоласан киши.

Ишлаб чиқариш маданияти даражасини ошириш ва меҳнат шароитини яхшилаш масалалари ҳам меҳнатни илмий асосда ташкил этиш билан боғлиқ вазифадир. Лекин, бунга завод маъмурияти етарли аҳамият бермаяпти. Завод территорисини, цех ва участкаларни айланган киши бу ерда меҳнат эстетикасига заррача амал қилинмаётганлигининг гувоҳи бўлади.

Корхонанинг йирик механика-йиғув цехида деталь ва узеллар йиғилади. Қудратли дастгоҳлар қаршисида ишчилар меҳнат қилишяпти. Фрезерлик станогида силлиқланаётган деталдан чиқаётган чиқинди ҳавога кўтарилади. Лекин ишчиларнинг бирортаси кўзни ана шундан муҳофаза қиладиган кўзойнакка эга эмас.

— Бу масалада завод раҳбарларига айтавериб оғзимиз чарчади,— дейди токарь Ғофир Маҳкамов.— Улар ваъдадан нарига ўтишмаяпти. Яна бир нарсани ҳам айтмоқчиман: цехимиздаги токарлик, фрезерлик станокларида тайёрланадиган баъзи деталларни чархлайдиган одам бўлиши керак. Лекин унинг йўқлиги туфайли кўплаб ишчи вақти бекорга сарфланаяпти.

Дарҳақиқат, агар заводда меҳнатни илмий асосда ташкил этишга қаратилган планлар яхши ишлаб чиқилиб, ишчининг ҳар бир минутидан ўз ўрнида фойдаланиши кўрсатилганида эди, бундай ҳол юз бермаган бўларди.

Эҳ-ҳе, гапираман десак гап кўп. Партия бюросининг секретари Н. Задорожний «Мен янгиман, ишни нимадан бошлашни билмаяпман» дейишдан бошқа гапни айтмаса, завод бош инженери ўртоқ Б. Слипаков «Территориямиз талабга жавоб бермайди, ана шунинг учун ҳам меҳнатни илмий асосда ташкил этишга айтарли даражада аҳамият бермадик» дейиш билан чекланади.

Хўп, завод территорияси кичиклик қилиб ҳам қолгандир. Лекин, завод раҳбарлари амалга оширилмаган ишларнинг сабабини фақат шунга рўкач қилавершлари тўғрими? Йўқ, албатта! Улар ишчиларнинг иш шароитини енгиллаштириш, ишлаб чиқариш маданиятини ошириш тадбирларини амалга оширганларида эди, бундан фақат манфаат кўрган бўлур эдилар.

«Ташхимсельмаш» заводи коллективи беш йилликнинг учинчи йилида 5 миллион 800 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилган. Бу аҳднинг уддасидан чиқиш учун бутун ички имкониятлардан фойдаланиш, меҳнатни илмий асосда ташкил этиш керак. Шундагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

С. ЁҚУБОВ.

«Тошкент оқшоми»нинг махсус мухбири.

● Редакция почтасидан

Бор гап шу!

Яқин ўртада Чиғатой кўчасидан юрганмисиз? Бу кўчадан ўтмаган бўлсангиз гапириб берақолай!

Кўча ифлос. Турли чиқиндиларнинг ҳиди бу ердан бир марта юрган кишининг бошини оғритиб, кўнглини айнитади.

Хонадонлардан чиқарилган қўлбола қувурларнинг учи ҳеч иккиланмай кўчага буриб юборилаверилган. Бу қувурлардан оқиб чиқадиган ифлос сувлар кўча бетида кўл ҳосил қилди. Йўловчилар эса ана шу «сув»ларни кечиб юришади.

Кўчанинг кўзга кўринарли ерига катта-катта ҳарфлар билан «Ахлат ташламанг, 10 сўм штраф!» деб ёзиб қўйилган. Аммо ана шу ёзув ёнида тоғ бўлиб уйилиб ётган ифлосликлар уни тўсиб қўйган. Махсус ахлат яшчиклари эса ахлат билан кўмилиб кетган. Лекин ана шу ахлатларни олиб кетадиган ташкилот одамларини кундузи чироқ ёқиб қидириб топиб бўлмаяпти. Оқибат натижада ифлосликлар кун сайин кўпайиб, тузуккина кўчани кул тепага айлантиряпти.

Бор гап шу!

Ё. ҚАРШИБОЕВ.

Ўзбекистон ССР Геология министрлигига қарашли ремонт-механика заводининг коллективи беш йилликнинг учинчи йили топшириқларини бажариш учун социалистик мусобақани кун сайин қизитмоқдалар. Бу мусобақада заводнинг пармалаш ускуна ва агрегатларини ремонт қилиш цехи ишчилари пешқадамлик қилмоқдалар. Фотомухбиримиз М. Нуриддинов олган ушбу суратда шу цехнинг илғор токари А. Шраменко ўз шогирди Г. Глушаков билан.

Меҳнат гашти

Тўқимачилик комбинатининг касаба союз комитети раҳбарлари комбинат ишчи ва хизматчиларининг меҳнат отпускаларини гаштли ўтказишлари учун барча чораларни кўришяпти. Ўтган йили касаба союз комитети йўлланмаси билан бир мингга яқин ишчи ва хизматчи мамлакатимизнинг турли жойларидаги дам олиш уйлари ва курортларида мириқиб дам олиб қайтишган эди.

Бу йил ҳам бу анъана давом этади. Комбинат касаба союзи комитети ёз ойлари ичида турли дам олиш уйлари ва курортларда меҳнат отпускаси гаштини суриш учун 1211 ишчи ва хизматчига йўлланма беришни кўзда тутмоқда.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

„ОЛТИН ҚУББА“

Газетамизнинг ўтган йили 25 ноябрь сонида босилган юқоридаги сарлавҳали танқидий материалда Тошкент каравот заводи ишида жиддий нуқсонлар содир бўлиб келаётгани, ишлаб чиқариш планлари муттасил бажарилмай, корхона давлат олдида катта қарздор бўлиб қолаётгани, механизацияга эътиборсизлик билан қаралаётгани натижасида маҳсулот таннархи ошиб бораётгани кўрсатилган эди.

Редакция Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрининг ўринбосари Ф. Умаровдан жавоб олди. Унда қуйидагилар ёзилган:

Дарҳақиқат, завод иши тамоман издан чиққан, бу ерда ишлаб чиқариш планини бажариш ёмон аҳволда.

Янги каравот заводи қурилиши муносабати билан мазкур завод плани бу йил учун ҳам ўтган йилги миқдорда белгиланди. Бироқ завод ишининг бир меёрда давом этишини таъминлаш мақсадида министрлик коллегиясида қатор тадбирлар белгиланди. Жумладан, ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш мақсадида янги техникани жорий этиш плани ишлаб чиқилди. Каравотларнинг уч янги тури ишлаб чиқарила бошланади. Бу каравотлар олдинги ишлаб чиқарилаётганларидан кўримли ва ихчам бўлади. Меҳнат кам сарфланади, ортиқча безаклар олиб ташланади. Шунингдек, завод ишлаб чиқараётган барча каравотларнинг технологик процессларини яхшилаш устида иш олиб борилади.

Булардан ташқари, заводда ишлаб чиқарилаётган буюмларни ёпиқ жойларда сақлаш учун склад бинолари қурилмоқда.

Жаҳон ойнаси

Греция сиёсий маҳбусларининг ҳаёти қутқариб қолинсин

Грек ватанпарварларининг «Ҳақиқат овози» номли радиостанцияси шу йил январь ойида Греция демократларининг жаҳон жамоатчилигига қарата ёзган қуйидаги мурожаатини эшиттирди:

«Греция ҳарбий хунтаси афв қилиш деган уйдирма билан қўпол хазил қилаётган бир пайтда минглаб сиёсий маҳбуслар ва сургун қилинганларнинг ҳаёти хавф остида қолмоқда. Асфалия зиндонларида қамалиб ётган ватанпарварлар учун дўзахнинг барча азоб-уқубатлари тайёрлаб қўйилган! Бу ерда ақлга сиғмайдиган жисмоний ва маънавий қийнашлар, хотин-қизлар шаънини хўрлашлар, қатл этишлар, ярим оч ҳолда тутиш ва калтаклашлар ҳукм сурмоқда. Машҳур композитор ва ёшлар раҳбари Микис Теодоракис бу қийноқларнинг ҳаммасини ўз бошидан кечирди. Бу эса унинг соғлигига жиддий зарар етказди. Пирей муниципалитетининг раиси Костас Франческакис, касаба союзларининг кўзга кўринган арбоби Никос Амбатихелос, Қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг собиқ қатнашчиси Никос Карканис, студент ёшлар раҳбари Андреас Лендакис, ватанпарвар Христос Папаянникис ва демократия учун кураш олиб борувчи бошқа юзлаб кишилар ана шундай қийноқларга дучор қилиндилар.

Полиция кўпгина ватанпарварларнинг қамоққа олинишини узоқ вақтларгача хабар қилмайди. Мана бир ой бўлдики парламентнинг собиқ депутати, ЭДА партияси маъмурий комитетининг аъзоси, Греция ва халқаро хотин-қизлар ҳаракатининг кўзга кўринган қатнашчиси Мина Янна асфалия (Греция охранкаси) зиндонида азоб чекмоқда. Мина Яннанинг юраги жуда заифлашган, кўзлари касал. Унинг ҳаёти хавф остида қолди. Салониклик қурувчи ишчи Георгис Пападопулос алла қачон қамалган эди. Лекин маъмурлар унинг тақдири ҳақида ғинг демайдилар. У қаерда? Ҳоли не кечди? Никос Амбатиелосни асфалияда 42 кун қийнадилар. Шу вақтнинг ўзида қариндошларига унинг ҳақида ҳеч нима билмаймиз, деб айтдилар.

Юра ва Лерос оролларида киши чидай олмайдиган шароитлар юзага келтирилиши натижасида кўпгина маҳбусларнинг соғлиғи ёмонлашди. Харилаос Флоракис оғир юрак касалини бошидан кечирди. Қариндошлари уни Лерос оролидан Афина касалхонасига кўчиртириш ва тегишли медицина ёрдамини кўрсатишга эриша олмадилар. Демократия учун курашувчи врач Манолис Сичаноснинг ҳаёти ҳам хавф остида. Хунта кексайиб қолган бу кишини гарчи у ўз бошидан тўрт марта инфаркт касаллигини кечирган бўлса ҳам турмада сақламоқда. Врачларнинг фикрича бир кўзи ожиз бўлиб қолган Яннис Метрадзисни шошилинч равишда операция қилиш керак. Қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг атоқли қатнашчиси Никандрос Кепесис ва бошқа маҳбусларнинг соғлиқлари кескин ёмонлашиб қолди.

Биз мамлакатимиздаги ва чет эллардаги яхши ниятли кишиларнинг ҳаммасини грециялик касал маҳбусларга дарҳол медицина ёрдами кўрсатилишини талаб этишга чақирамиз. Хунтани қамоққа олинганлар номини эълон этишга мажбур қилиш керак.

Греция ва жаҳон жамоатчилигини грециялик сиёсий маҳбусларнинг ҳаммасини озод қилиш учун олиб борилаётган кураш кампаниясини янада кенг қулоч ёйдиришга чақирамиз».

(АПН).

Поруба — Чехословакиянинг йирик саноат маркази Остравининг йўлдош шаҳридир. Унинг бунёд этилганига ўн икки йил ҳам бўлгани йўқ. Бу ерда асосан шахтёр ва металлурглар яшамоқда.

ЧТК—ТАСС фотоси.

Жан-Поль Сартр:

ИРҚЧИЛИКНИНГ БАШАРАСИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1968 йилни халқаро инсон ҳуқуқлари йили деб эълон қилди. Бундан йигирма йил илгари —1948 йилнинг 10 декабрида инсон ҳуқуқлари ҳақида Умумий декларация қабул қилинган эди. Кимгаки инсонпарварликнинг юксак принциплари ва қонунлари қадрли бўлса у ҳамиша шу декларацияга риоя қилиб келди. Бу декларацияни фақат империалистлар, мустамлакачилар ва янги мустамлакачилар, янги нацистлар ва Сайгон, Греция, Сеул хунталари сингари реакцион тартиб-усуллар, франкочи ва салазарчи диктаторлар ҳамда Жанубий Африка ирқчилик тартиб-усули қўпол равишда поймол қилиб келмоқда.

Кўзга кўринган француз жамоат арбоби, ёзувчи Жан-Поль Сартр Жанубий Африка Республикаси ирқчиларининг жиноятларини фош қилиб ташлади. Яқинда у Жанубий Африка Республикаси ирқчилари томонидан амалга оширилаётган апартеид сиёсатига қарши кураш олиб борувчи Бирлашган комитет мажлисида нутқ сўзлади.

Новости матбуот агентлиги (АПН) Жан-Поль Сартр нутқининг қисқартирилган таржимасини газетхонлар эътиборига ҳавола қилади.

* * *

Ҳозир Африка баданида тез орада янада катталашиб кетиши мумкин бўлган мудҳиш рак шиши мавжуд. Бу шиш Жанубий Африка Республикасининг ҳукумати томонидан мунтазам равишда турмушга татбиқ этилаётган апартеид сиёсатидир.

«Айрим ривожланиш» деб аталган сиёсат аслида уч миллионли европалик аҳоли 14 миллионли африкалик, осиёлик ва аралаш халқларниқулликда (бу ибора ҳали камлик қилади) сақлайдиган сиёсий тартиб-усулни амалга оширяпти, деган маънони англатади. Бу 14 миллион аҳоли ҳеч қандай сиёсий ҳуқуқларга эга эмас. Улар парламентга сайлана олмайдилар, касаба союзларига бирлашишлари эса ман этилган. Улар шахсий гувоҳномаларини ҳамиша ўзлари билан бирга олиб юришлари лозим. Уларнинг қаттиқ риоя қилиши керак бўлган тартиб-қоидалар шу қадар кўпки, уни аслида бажариш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам улар ҳамма вақт қамоқ хавфи остида яшайдилар. Ҳукуматнинг расмий пропагандаси африкаликларнинг ўзларини миллий англаб олишларига халақит беришга қаратилгандир.

Улар иқтисодий ҳуқуқларга ҳам эга эмаслар. Уларни ҳамма ҳуқуқлардан маҳрум этганлар. Жанубий Африка Республикасининг 75 процент африкалик аҳолиси қишлоқ хўжалик ишлари билан шуғулланиш учун деярли яроқсиз бўлган ерларда яшамоқдалар. Бундай ерлар мамлакат территориясининг 12 процентини ташкил этади. Африкаликлар яшаётган посёлкалар пастқам харобa кулбалар ва концлагерлардан иборатдир. Африкаликлар оқ танлилар яшаётган шаҳарларга ишга фақат паспортлари билан келишлари мумкин. Иш тугаши билан дарҳол ўз кулбаларига жўнаб кетишлари зарур. Улар ихтисос эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар. Малакали ишлар фақат оқ танлиларга берилади.

...Сиёсий ва амалий апартеид полиция террорига таянади. Полиция кишиларни узлуксиз равишда ўраб олади. Қора танли кишиларни полиция участкасида бирон айб қўймасдан 180 кун тута оладилар ва истаганча қийнайдилар. Африкалик амалда ўзини оқлай олмайди. Ундан ҳамиша шубҳаланадилар. Кўпинча уларни сиёсий «бош-бошдоқлик»ларга қизиқиб кетишдан сақлаш учун шундай қилиняпти, деган баҳона билан турмаларда сақлайдилар.

Бундай иш тутиш апартеиднинг ирқларни тенглаштиришга йўл қўймаслик ва оқ ирқларнинг бошқалардан мутлақо устунлиги ҳақидаги асосий назариясидан келиб чиқади. Жанубий Африкада оқ танлилар тубан мавжудотлар табақасига кимни хоҳласалар ўшани киритаверадилар. Жаҳонда Жанубий Африка Республикасидагидек яҳудийларга нисбатан душманлик шунчалик хунук шакл олган бошқа бирон мамлакат йўқ. Жанубий Африканинг оқ танли келгиндилари инглизларни ҳам ёқтирмайдилар. Уларни англиялик яҳудийлар деб атайдилар. Либерал кайфиятдаги оқ танлилар ҳам террор қилинади. Жанубий Африка Республикасида «Коммунизмни бостириш ҳақида»ги бадном қонун бор. Бу қонунга мувофиқ ҳар бир киши қамоққа олиниши мумкин. «180 кун ҳақида»ги қонун қора танлиларни ёқлаб иш тутган оқ танлиларга нисбатан ҳам жорий этилади. Шунинг учун ҳам ирқчилар «қора хавф»дан ҳам, ўз-ўзларидан ҳам қўрқадилар.

1968 ЙИЛ

ХАЛҚАРО ИНСОН

ҲУҚУҚЛАРИ ЙИЛИ

Маданият соҳаси ҳам террор қилинмоқда. Кўпчилик чет эл маданият манбаълари ман этилган. Ман қилинган китоблар орасида жуда кўп китоблар (улар орасида Карл Маркс асарлари ҳам) бор.

Жанубий Африка Республикасининг оқ танли кишилари дабдабали ва зеркарли турмуш кечириб, шу турмушда бўғилиб яшамоқдалар. Социология текширишлари бу ердаги мактабларда ўқитиш ишларининг ниҳоят даражада тубанлигини қайд қилди.

Мен юқорида рак шишининг яна ҳам зўрайиб кетиш хавфи бор деб кўрсатиб ўтган эдим. Бу нарса асосан Жанубий Африка Республикаси ирқчиларининг Португалия ва Родезиядаги қонунсиз Ян Смит тартиб-усули билан махфий ва ошкор битимлар тузиши ҳамда алоқа қилиши туфайли рўй бериши мумкин. Бу битимлар мудофаа мақсадларини кўзлашдан кўра босқинчиликни кўзда тутади. Жанубий Африка Республикасидаги кўпгина оқ танлилар империализм ғояларини бутун Африка қитъасига ёйишни истаётганликларини яширмайдилар. Бундан ташқари апартеид кучли давлатни юзага келтира олади, деган ғоя фашизмнинг туғилишига олиб келмоқда. Бу ғоя Европа ва АҚШда нацизмнинг тикланиш манбаларидан бири бўлди. Мамлакат ёшлари орасида фашизм ҳаракати рағбатлантирилмоқда.

Бироқ Жанубий Африкадаги бир қатор ташкилотлар ҳамма қийинчиликларга қарамай, манфур ирқчилик тартиб усулига қарши қойил бўларли мардлик билан курашмоқда. Озодлик учун курашувчилар оғир шароитларда иш олиб бормоқдалар. Улар вазиятга қараб тинч воситалардан фойдаланганларидек қуролли кураш ҳам олиб борадилар.

Апартеиднинг бутун планетадаги тинчликка таҳдид қилаётгани шубҳасиздир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бу аҳволдан ташвишланиши керак. Ахир бу ташкилот барча шаклдаги ирқий камситишларни йўқотишни кўзда тутаётган принципга асосланади-ку. 1963 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти барча давлатларга Жанубий Африка Республикаси билан дипломатик муносабатларни узиш ва у билан бўлаётган савдоларни бойкот қилишга чақирган эди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қошида Жанубий Африка Республикасининг ирқчилик сиёсатини ўрганиш бўйича иш олиб бораётган махсус комитет қуйидаги баёнотни эълон қилди: «Жанубий Африка Республикаси апартеиднинг кишиликни кўролмайдиган сиёсатини амалга оширишда давом этмоқда. Бу ишда унга биринчи бўлиб савдо соҳасидаги асосий шериклари бўлган буюк давлатлар ёрдам беряпти».

(АПН).

ЙИГИРМА БЕШИНЧИ СПЕКТАКЛЬ

Тўқимачилар маданият саройидаги ўзбек драма тўгарагининг ташкил топганига 10 йил бўлди. Бу тўгарак ана шу йилларда Уйғуннинг «Шубҳа», И. Султоновнинг «Имон» Б. Раҳмоновнинг «Юрак сирлари», Ё. Ҳакимовнинг «Ўғил», каби асарларини муваффақиятли саҳналаштирди.

Ўтган йили бўлиб ўтган бадиий ҳаваскорларнинг республика кўригида бу коллектив Иззат Султоннинг «Имон» пьесасини муваффақиятли саҳналаштириб биринчи ўринни олди. Унга халқ театри номи берилди.

Халқ театри коллективи орасида кўпгина талантли ёшлар бор. Масалан, Назира Нажимова, Қодир Қосимов, Мухтор Исмоиловлар бадиий ҳаваскорлар Бутуниттифоқ фестивалининг лауреати бўлдилар.

Куни кеча халқ театри коллективи ўз томошабинларига Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг «Бой ила хизматчи» драмасини кўрсатди. Спектаклдаги ролларни халқ театрининг аъзолари турли касб эгалари муваффақиятли ижро этдилар.

Бу, халқ талантларининг кейинги йилларда саҳнага олиб чиққан йигирма бешинчи спектаклидир.

• • •

БУЮК САНАЛАР

Жаҳон Тинчлик Советининг таклифига мувофиқ 1968 йилда кишилик жамиятининг ривожланиши учун қимматли ҳисса қўшган атоқли фан ва маданият арбобларининг номлари билан боғлиқ бўлган муҳим саналар кўпгина мамлакатларда нишонлаб ўтилади. Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитети ҳам бу ишда қатнашади.

30 январда машҳур эрон ёзувчиси Ибн Яминнинг (1287—1368) вафот этганига 600 йил тўлган кун, 23 февралда талантли негр ёзувчиси, тарихчи ва тинчлик учун эҳтиросли курашчи Уильям Дюбуанинг туғилган куни нишонланади.

Совет Иттифоқи ва бутун тараққийпарвар инсоният 28 мартда улуғ рус ёзувчиси, социалистик реализм асосчиси Алексей Максимович Горькийнинг (1868-1936) туғилганига 100 йил тўлган кунни байрам қилишга тайёрланяпти.

5 майда буюк сана-илмий коммунизм асосчиси халқаро пролетариат доҳийси Карл Маркснинг (1818—1883) туғилганига 150 йил тўлган кун нишонланади.

17 июнда ажойиб Француз композитори Шарл Гуноннинг туғилганига 150 йил тўлади, 28 сентябрда эса Италия Уйғониш даврининг энг яхши рассомларидан бири бўлган Якоп Тинтореттонинг (1518—1594) туғилган кунига 450 йил тўлади. Бу саналар ҳам совет жамоатчилиги томонидан кенг нишонлаб ўтилади.

Жаҳон Тинчлик Кенгашининг таклифи билан бу йил Корея халқининг Кёсан тахаллуси билан ёзиб юрган ёзувчиси ва олими Хо-Гюн (1569-1618) вафотининг 350 йиллиги, машҳур фин ёзувчиси Майо Ласилл (1868-1918) туғилган кунининг 100 йиллиги ҳам нишонланади. Бу саналарнинг биринчиси 12 октябрга, иккинчиси 28 ноябрга тўғри келади.

Булардан ташқари ҳар бир мамлакат ўзининг миллий улкан саналарига эга. Совет Иттифоқида машҳур рус ёзувчиси Иван Сергеевич Тургеневнинг (1818-1883) туғилганига 150 йил тўладиган кун ана шундай саналардандир. Бу сана Совет Иттифоқида ва бир қатор бошқа мамлакатларда кенг нишонланади.

(АПН).

● *1967 йил прозаси*

ҲАРОРАТЛИ АСАРЛАР УЧУН

Яқинда Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида республикамиз ёзувчиларининг анжумани бўлиб ўтди.

1967 йил прозаси муҳокамаси бошланишидан олдин республика ёзувчилар союзи правлениеси президиумининг раиси К. Яшин марҳум шоир, ажойиб истеъдод соҳиби Ҳамид Олимжон хотирасига бағишланган митингни очиқ деб эълон қилди. Республикамизнинг истеъдодли ҳайкалтарошлари ишлаган шоир бюсти очилади ва уни ижодий союзлар янги биносининг кираверишига ўрнатишга қарор қилинади.

Шоирлардан Ю. Шомансур, А. Пўлат ва бошқалар Ҳ. Олимжон шеърларидан ўқиб эшиттирадилар. Шоир Ҳ. Ғулом Ҳ. Олимжон хотирасига бағишланган шеърини ўқиб беради.

Шундан сўнг ўтган йил прозаси ҳақидаги суҳбатни очиқ деб эълон қилган ёзувчи А. Мухтор докладчи — филология фанлари кандидати У. Норматовга сўз берди.

Ўтган йили ўзбек совет прозаси каттагина ютуқларни қўлга киритди. Бир неча асар республика мукофотларини олганлиги бунга далил бўла олади. Йирик полотнолар — роман ва повестлар, шунингдек, бир қатор ҳикоялар пайдо бўлди.

Улуғ Октябрь инқилоби ва гражданлар уруши йиллари ҳаётини акс эттирувчи йирик полотнолар — Ойбекнинг «Улуғ йўл» романи, М. Исмоилийнинг «Фарғона тонг отгунча» романининг иккинчи китоби, Ў. Умарбековнинг «Чўли ироқ» қиссаси ўқувчилар томонидан қизғин кутиб олинди. Бу асарларда кўзга ташланадиган янги хусусиятлардан бири—инқилоб арафасида дунёқараши шаклланган ўзбек зиёлилари вакиллари характерининг яратилишидир. Ёш ёзувчи С. Кароматовнинг «Бир томчи қон» повести ҳам шу давр ҳаётини акс эттиришда қилинган муваффақиятли тажрибадир.

Улуғ Ватан уруши мавзусида ёзилган йирик асарлар — Ҳ. Ғуломнинг «Тошкентликлар», О. Ёқубовнинг «Эр бошига иш тушса» романлари китобхонлар ўртасида тез оммалашиб кетди. Бу — ёзувчиларнинг муваффақиятидан дарак беради.

Замонавий мавзуда ёзилган бир қатор қисса ва ҳикоялар кескин мунозараларга сабаб бўлгуликдир.

Ж. Абдуллахоновнинг «Моҳидил» романи, И. Раҳимнинг «Сен туғилган кун» қиссаси, бир қатор ёш ёзувчиларнинг асарлари бунга мисол бўла олади. Нотиқ ёшлар прозасидаги ютуқ ва камчиликлар тўғрисида алоҳида тўхталади. У. Назаров, Ш. Холмирзаев, Ў. Ҳошимов, О. Мухторов, С. Сиёев сингари ёш прозаиклар китобхонлар қалбидан ўрин олмоқдалар.

Доклад юзасидан кескин мунозаралар бўлиб ўтди. Ёзувчи Ҳ. Назир, Ҳ. Ғулом, О. Ёқубов, филология фанлари кандидатлари М. Қўшжонов, О. Тоғаевлар нотиқнинг атрофлича анализини маъқуллайдилар. Шунингдек, унинг докладидаги айрим, чалкаш, талқин қилиш ҳолларига қарши ўз мулоҳазаларини айтадилар.

Музокарада сўзга чиққан И. Ғафуров, П. Шермуҳамедов, С. Содиқов ва бошқа ўртоқлар ҳам прозамизнинг ўтган йилги аҳволи ҳақида атрофлича фикр билдирдилар. Янгидан-янги изланишлар бўлаётганлигини айтдилар.

Ёзувчи А. Мухтор проза секциясига яна икки киши—ёзувчи О. Ёқубов билан танқидчи У. Норматов қўшилганлигини айтади.

Шундай қилиб, прозаиклар ўтган йилга якун ясаб, янги режалари тўғрисида келишиб олдилар.

Жамоатчилик асосида

Сапёрлар кўчасида бир кутубхона бор. Бу маърифат ўчоғи тез фурсатда катта-кичикни ўзига тортди. Бунинг сабаби бор, албатта. Чунки, уни М. И. Евдокимова жамоатчилик асосида ташкил этди.

Мария Ивановна ташаббусини Ленин район маданият бўлими қўллаб-қувватлади Бу ерда аҳоли кўп. Уларнинг йўллари яқин бўлади. Район социал таъминот бўлими мебеллар ажратди. Шаҳардаги А. Навоий, Ф. Э. Дзержинский, А. Гайдар номли кутубхоналар китоблар, М. Горький номли кутубхона эса китоблар ва жовонлар ажратиб берди.

Ҳозир кутубхонанинг «Революциягача бўлган адабиётлар», совет ва чет эл, болалар адабиёти бўлимларида 5500 та китоб бор. Бу китоблардан 530 китобхон баҳраманд бўляпти.

Кутубхонада «Инсон одоби билан», «Гўзалик нимада», «Замонамиз қаҳрамонлари» мавзуларида китобхонлар конференциялари бўлиб ўтди.

Пенсионер М. И. Евдокимованинг жамоатчилик ишларида М. Содиқова, А. Карпушинская, Г. Муродова каби ўқувчилар яқиндан ёрдам беришмоқда.

Шу кунларда китобхонлар буюк пролетар ёзувчиси М. Горькийнинг 100 йиллик юбилейига бағишлаб, адибнинг «Она» романи асосида конференцияга тайёргарлик кўрмоқдалар.

МАРДЛАР МАНГУ ЯШАЙДИ

Халқ бахт-саодати йўлида жонини фидо қилганлар халқ орасида абадий яшайди! Бу сўзлар доимо янграб туради.

Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи жамоатчилик институти Советининг аъзолари — республика қишлоқ хўжалигининг донгдор ветеранлари — Ғани Йўлдошев, Сатқул Бадалбоев, Султон Темирхўжаев, Раҳмон Шодмонов, Ориф Афзалов, Абдураҳмон Мусаев, Ҳожи Жумахўжаев ва бошқалар институтда катта ташкилотчилик ишларини олиб бормоқдалар. Уларнинг ташаббускорликлари ва изланишлари туфайли қишлоқларни социалистик коллектив хўжаликлар асосида қайта қуришда жонларини фидо қилган икки юз қаҳрамоннинг номлари топилди.

Институт ҳалок бўлган қаҳрамонларнинг ишлари ҳақида ҳикоя қилувчи маълумотлар билан бирга уларнинг фото суратларини Ўзбекистоннинг барча областларига ва Қоракалпоғистонга юборди.

• • •

ШИФОКОРЛАРНИНГ ЯНГИ ОТРЯДИ

Тошкент Давлат медицина институти даволаш факультетининг битирувчи курс студентлари зўр ҳаяжон билан яшашяпти.

Эрта-индин улар мустақил ҳаётга қадам қўядилар. Улар қаерга бориб ишлашларини ҳозирданоқ аниқлаб олишган. Масалан Тўлқин Бердиев, Машкура Шомаъдиева ва бошқалар Сирдарё областида ишлашга истак билдиришса Жуманиёз Тожикеев, Алпомиш Аитбоевлар Қорақалпоғистонда, Хазратқул Мустақовга ўхшаганлар Хоразмда ишлаш хоҳишини билдиришди.

ШИФОКОРЛАР МИНБАРИ

ФАҚАТ СУТ ЭМАС

Катталарга қараганда чақалоқларга кўпроқ витамин зарурлигини яхши биласиз. Чақалоқ ўзининг биринчи куниданоқ витамин Д, шунингдек, мева ва сабзавот шиpалари билан таъминланиши керак. Бундай шираларда витамин С бўлади. Тахминан ярим ёшдан сўнг чақалоққа овқат берила бошлагач, албатта витамин А, шунингдек, В ва С витаминларига эга бўлган овқат бериш зарур.

Тажриба шуни кўрсатдики, бир ёшлик болалар кўпчилик ҳолларда қонсизлик касалига мубтало бўладилар. Бу минерал тузлар, темир моддаси кам бўлган, углеводлар кўп бўлган бир хил овқат билан таъминланиш натижасидир. Бундай болаларга кўпроқ ширгуруч, вермишель, угра, озроқ оқ нон, кондитер маҳсулотларини бериш керак. Бола ҳар куни мева ва сабзавот, олма, сабзи, майдаланган карам билан таъминланиши лозим.

Дрожжеда В группасидаги витаминлар кўп. Бундан ташқари унда минерал тузлар, оқсил ҳамда ҳар хил ферментлар бор. Буларнинг ҳаммаси овқат сифатини яхшилайди. Профессор М. Н. Небитова Лукьянчикова дрожже тайёрлаш рецептини қуйидагича тавсия қилади: 20-40 грамм дрожжени майдалаб, паст оловда 15-20 минут қайнатилади. Унга икки ҳисса қайноқ сув қуйилади. Сўнг 10-15 грамм қанд ёки қанд сиропи қўшилиб, яна 5-10 минут қайнатилади.

Болалар С витаминини томат, сабзи, карам, олма, қорағат, апельсин, лимон шираси билан олади. Буларнинг баъзиларида В группасига кирадиган витамин бор; ўрик ва томатда эса каротин бор. Ширалар янги терилган мева, сабзавот ва резавор мевадан совутилган қайноқ сувда тоза ювилиб, тайёрланади. Мевани зангламаган пичоқ билан тозалаш лозим.

Катта ёшдаги болаларга наъматак настойкасини бериш керак. Бунинг учун 20 дона мева олиниб, қайноқ сувда ювилади. Сўнгра бир стакан қайноқ сув қуйилиб ёпиқ идишда 10 минут қайнатилади. Идиш оғзини очмаган ҳолда уни бир кун тиндириш лозим.

Қишда бу маҳсулотларнинг консервасидан фойдаланса бўлади. Болалар учун ҳар хил мева ва сабзавотдан, кўк нўхот, олма; олхўри; ўрикдан махсус пюре тайёрланади. Бундай консерваларда анча витамин бўлади.

Шунингдек, музлатилган мева резавор мева ва сабзавот ҳам фойдали. Уни музлатиш паст даражадаги совуқда ниҳоят тезлик билан амалга оширилади. Шундай қилинганда С витамини ва каротин сақланиб қолади. Музлатилган мевалар бошда қайноқ сувга солиниб, сўнгра пиширилади

Е. ЗАБЛУДОВСКАЯ,
медицина фанлари кандидати.

Саодат Шукуралиева билан Светлана Ким оналар ва болалар соғлигини ҳимоя қилиш институти биохимия лабораториясининг ёш ишчан лаборантларидан ҳисобланадилар. Улар мураккаб химиявий ва медицина характеридаги анализларни ўтказишда институт ходимларига яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар.

Сиз суратда лаборантлар С. Шукуралиева билан С. Кимни биохимия лабораториясидаги иш жараёнида кўриб турибсиз.

М. Нуриддинов фотоси.

СЕВМАДИМ

Мен сени севмадим,
Севсам, эҳтимол
Бутун Ер шарини
Кичик анордай
Сиқиб шодлигини
Бир пиёла май —
Каби тутар эдим:
«Жоним ичақол!»

Мен сени севмадим,
Севсам, эҳтимол
Отелло қўлидан
Минг бора дағал
Қўлларим хиёнат
Қилганинг маҳал
Ачинмай бўғарди:
«Тупроқ қучақол!»

Мен сени севмадим,
Севсам, эҳтимол
Сен билан жаҳондан
Бахтли ўтардим,
Ё ишққа бир умр
Мотам тутардим...
Кечир, севолмадим:
«Гўзал, яхши қол!»

Абдулла ШЕРОВ,
ТошДУ студенти.

Фан ва техника музейи

ҲОЗИРГИ ЗАМОН АВТОМАТЛАРИНИНГ ДАСТЛАБКИЛАРИ

Одамлар қадим замонлардан буён ўзларининг оғир меҳнатларини қандай қилиб енгиллаштириш ёки механик ишлар ҳақида ўйлаб келганлар. Эрамизнинг 110 йилидаёқ қадимги дунёнинг ҳақиқий инженери ҳисобланган грек олими Героннинг «Автоматлар ҳақида» деган китоби пайдо бўлди. Герон ибодатхона остоналарида коҳинлар томонидан илоҳийлаштирилган муқаддас сув сотувчилар ўрнини автоматлар билан алмаштириш ҳақида таклиф киритди. Герон ўйлаб топган механизм шундай ишларди: автоматга ташланган чақа зарбидан кран қисқа муддатга очиларди ва сув тагига қўйилган идишга оқиб тушарди. Ҳозирги папирос ва шоколад сотувчи автоматлар ҳам худди шу асосда ишлайди. Фақат буларда кран ўрнига сўрғич ўрнатилган. Ҳозир ҳам шундай автоматлар борки, улар худди Героннинг қадимги автоматидек ишлайди. Булар атр пуркович автоматлардир. Лекин Герон даврида ҳам сув сотувчи механик қурилма ғояси — асл нусха эмас эди. Эрамизгача III асрда яшаган византиялик грек инженери Филон Герондан тўрт юз йил муқаддам «Механиканинг синтаксиси» номли саккиз томлик дарслигини ёзади ва шундай қурилмалар тўғрисида гапиради. У қуйидагича ишларди (суратга қаранг) Худди Герон автоматидек варонкага чақа ташланарди, у туша туриб кранни очарди, бунинг натижасида бакдан қошиққа сув оқиб тушарди, сувнинг оғирлиги туфайли канопип ёрдамида қопқоқ энгашиб жойини ўзгартирарди ва кичик дарча очилиб, ундан қўлини ювмоқчи бўлган киши бир бўлак жилвир тош олиши мумкин эди. Ўша даврда бу жуда юксак мураккаб аппарат бўлган. Буни Филон 2300 йил муқаддам кашф этган эди. У ўзининг механик тузилиши жиҳатидан кўпгина замонавий савдо автоматларидан устун туради.

Герон автомати сув сотувчиларда қаттиқ қаҳр-ғазаб уйғотди. Улар турмуш воситаларидан ажраб қолишдан қўрқдилар. Дин йўлида хизмат этувчи баъзи кишилар ҳам бу янгиликка қарши чиқдилар — улар бунда илоҳий кучнинг булғаниб қолишини сездилар. Улар бу маккор автоматлардан дин йўлида фойдаланиш ва уни кучайтириш мумкин эканлигини тушунгач, тезда ўз фикрларини ўзгартирдилар. Антик дунёда қасрларнинг ўзи очилувчи эшикларини мўъжиза деб ҳисоблардилар. Қулларнинг оғир меҳнатларини енгиллаштириш мақсадида Герон эшикларни очувчи автомат ихтиро этган эди. Қасрларнинг эшиклари олов ёниши билан очиларди, ўчган заҳоти ёпиларди. Ихтирочи бунда эрамизгача 275 йилда яшаган лампсакослик грек олими Стратоннинг ҳавонинг иссиқдан кенгайиши, совуқдан эса торайиши ҳақидаги илмий назариясидан фойдаланган. Механиканинг бундай мўъжизаларидан қадимги Грециянинг дин аҳллари ўз мақсадлари йўлида фойдаланганлар. Аристотель ўзининг «Қалб ҳақида» деган асарида Афродит ҳайкалининг бош қимирлатиши ва кўзи билан ишора қилиши, бунга ажабланиб ишонганлар эса, унинг ҳаракатларини худо қабул қилди ёки рад этди маъносида тушунганликлари ҳақида ёзган. Наукретислик грек ёзувчиси Атенатос ўзининг «Олимнинг махсус зиёфати» асарида стол атрофида ўтириб ҳар хил ҳаракатлар қилувчи, овқат еб ичувчи одам шаклидаги автомат ҳақида ёзган. Бу ғалати одамни филадельфиялик шоҳ Птоломей эрамизгача 280 йилда катта зиёфатда намойиш қилган. Афсуски, ҳозир биз бу мураккаб автоматларни энергиянинг қайси тури ҳаракатга келтирганлиги ҳақида билолмаймиз.

Ўша вақтда автомат жониворлардан ҳам кенг фойдаланилган. Грек ёзувчиси Аулюс Геллиус ўзининг «Аттика кечалари» деган асарида қўлда ишланган учувчи кабутар ҳақида ёзади. Унинг айтишича, кабутар баланд осмонда учган ва қаршидан келаётган катта ҳаво оқими ёрдамида ҳаракат қилган. Эрамизгача 390 йилда яшаган тарентолик механик Артитас томонидан бунёд этилган бу кабутар ҳақида ҳар хил далиллар бўлишига қарамай, шундай аниқ бир фикр айтиш керакки, гап учувчи қушга тўғри тақлид қилинган автомат ҳақида боради.



Бундай автоматларнинг кўпчилиги қимматбаҳо ўйинчоқлардан қимматга тушмасди, албатта. Лекин шундайлари ҳам бор эдики, улар фақатгина амалий мақсадларда хизмат қилган. Масалан, эрамизгача II асрда яшаган грек механиги Ктестибус сув соатини ихтиро қилди. У узоқ вақт давомида жуда аниқ юрган. Араб астрономи Абул Қосим 875 йилда юлдузлар ҳаракатини кўрсатувчи коинот моделини қурди. Бу инсоният томонидан қурилган биринчи планетарий бўлса керак. Шуни унутмаслик керакки, қилинган барча ихтиролар амалий мақсадларда қўлланилганлиги ёки қўлланилмаганлигидан қатъий назар, улар ҳозирги замон автоматларининг дастлабкилари эди. Уларни жорий этиш ҳозир одамлар меҳнатини енгиллаштиряпти. Кейинчалик эса, инсоният тараққиётида бутунлай янги даврга асос бўлиб қолади. Шу муносабат билан биринчи автоматларнинг бундан бир неча минг йиллар муқаддам қадимги дунёда яратилганлиги, айниқса ажабланарлидир.

[«Неделя»дан].



МЎЪЖИЗА

УКРАИНА ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ А. А. БОГОМОЛЬЦ НОМЛИ ФИЗИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИНИНГ РЕАНИМАЦИЯ ЛАБОРАТОРИЯСИДА ТАНИҚЛИ СОВЕТ ПАРТОФИЗИОЛОГИЯ, БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ В. П. ДЕМИХОВ НОЁБ ОПЕРАЦИЯ ҚИЛДИ. ИНСТИТУТ ХОДИМЛАРИ Н. П. АДАМЕНКО, В. П. ДОРОШЧУК, Ю. Ф. ГЕРЕЙ ВА Ф. Ф. ЗЕЛИНСКАЯ ҲАМКОРЛИГИДА У ТЎРТ ЯШАР МУХТОР ЛАҚАБЛИ ИТГА ИККИ ОЙЛИК КУЧУКНИНГ ОЛДИНГИ ОЁҚЛАРИ БИЛАН КАЛЛАСИНИ УЛАДИ.

В. П. ДЕМИХОВ БИРИНЧИ МАРТА 1953 ЙИЛДА ШУНДАЙ ОПЕРАЦИЯ ЎТКАЗГАН ЭДИ. ЯНГИ ТАЖРИБАДАН МАҚСАД—БОШ МИЯНИНГ УЗОҚ КЛИНИК ЎЛИМДАН СЎНГ ТИРИЛИШ ЭҲТИМОЛЛИГИНИ АНИҚЛАШ, ШУНИНГДЕК, ИНСОННИНГ ЖАРОҲАТ ТУФАЙЛИ ЙЎҚОТИЛГАН БОШИ ЎРНИГА БОШҚАСИНИ УЛАШДИР.

СУРАТДА: МУХТОР УЛАНГАН БОШ БИЛАН.

П. ХОРЕНКО фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

ҲОДИСА

САЙЁР ТАЛОВЧИЛАР

Тошкент вокзали. Қор аралаш ёмғир ёғиб турибди. Вокзалга келган поездлардан тушган кишилар ҳар томонга тарқалишмоқда. Биров автобусга, биров троллейбусга, яна бирлари таксига қараб боришмоқда.

Такси турадиган жой. Кишилар навбат билан машиналарга ўтиришмоқда. Навбат кутиб турган уч киши билан бир аёл таксига ўтиришди.

— Қаерга борасизлар? деди шофёр.

Ўтирганлардан бири «Ташавтомаш» заводи томонга ҳайданг, деди.

Машина йўлга тушди. Йўловчилар ўзаро гаплашиб боришяпти.

— Қара дўстим, қандай чиройли уйлар қуряпмиз-а. Мана яқинда яна бир объектни фойдаланишга топширамиз... Улар уй қурилишидан гаплашиб «Ташавтомаш» заводи олдига етиб келишди.

— Марҳамат, келдинглар, — деди шофер.

Ўтирганлардан бири:

— Сиздан илтимос қиламиз, бугун бир ошнамизнинг туғилган куни эди. Уники бу ердан узоқ эмас, Қибрай посёлкасида туради. Бизларни элтиб қўйинг, ҳаққингизни уч баравар қилиб тўлаймиз, деди.

— Шаҳар четкасидан чиқмаслигим керак, путёвкада шундай ёзилган.

Кўп илтимосдан кейин шофёр кўнди. Уларни Қибрай посёлкасига олиб борди, бир кўчага бурилишди.

— Раҳмат сизга. Мана биз келдик, дедилар. Машина тўхтади. Шофер ёнида ўтиргани машина ичидан чиқмасдан қирқилган милтиқ ва орқада ўтирганлардан бири шоферга пичоқ ўхталишди:

— Агар ғиринг дейдиган бўлсанг жаҳаннамга кетасан. Яхшиликча ёнингда борини чиқар.

Шофер ўзини йўқотиб қўйди. Кейин таловчилар шофёрни ёнидан 40 сўм пулини, қўл соатини, пальтосини ечиб олдилар. Шофёрлик гувоҳномасини олиб исм фамилиясини, машина номерларини, паспортидан эса уй адресини ёзиб олишди.

— Ана энди ҳайр «дўстим». Агарда милицияга ҳабар қилгудек бўлсанг, бизда адресинг бор. оқибати яхши бўлмайди, деб машинадан тушиб кўздан ғойиб бўлишди.

Тарвузи қўлтиғидан тушган шофёр бир оздан кейин орқасига қайтди. Бу воқеани у ҳеч кимга айтгани йўқ. Чунки, таксист Хленко Геннадий Павлович қўрқоқлик қилди.

Шу воқеадан икки кун ўтгач, тўрт таловчи ўлжа қидириб яна вокзалга чиқишди. Бу куни таксилар жуда кўп, вақт кеч бўлгани учун вокзалда одамлар камроқ эди. Яна уч эркак ва бир аёл қатор турган таксилар ёнига келишди. Навбат кутиб турган таксига ўтиришди. Машинада яна юқоридаги гаплар бошланди. Яна ўша ерга — Қибрайга йўл олинди. Бу сафар ҳам улар шофёрнинг адресини ёзиб олишди. Ёнидаги 30 сўмини, соати, пальтоси, шляпасию, авторучкасигача тортиб олинди. «ТНГ-61-47» «Волга» авто машинасининг шофёри Гулкин Юрий хомуш бўлиб яна вокзалга қайтиб келганди, шериклари:

— Ҳа, Юрка жуда тез қайтиб қолдинг? Нима, яқинроқ жойга бордингми, деб сўрашди,

У дўстларига бўлган воқеани айтиб берди.

— Нимага милицияга бормадинг?

— Улар менинг адресимни ёзиб олишди, агар хабар қилсанг, нариги дунёга кетасан дейишди.

Шунда бир таксист: қўрқоқ,— бугун сени, эртага мени таласа, қандай бўлади, тезлик билан милицияга хабар қил, — деди.

Ю. Гулкин кечаси соат 12 ларда Оржоникидзе район милиция бўлимига келиб, бўлган воқеани батафсил айтиб берди. Шу куни жиноий ишлар қидирув бўлимининг вакили милиция лейтенанти Риҳситилла Қоратоев навбатчилик қиларди. Тезликда ёнига милиционер Расулбоев ва дружина аъзоси, Физкультура институтининг V нурс студенти Озод Пўлатовни олиб жабрланувчи билан воқеа содир бўлган жойга келишди. Шофёр темир йўл ёқасида турган вагонеткани кўрсатиб, улар шу ерга кириб кетишди, — деди.

Соат тунги икки. Бу ерга бостириб кириш хавфли. Чунки, уларнинг қуроллари бор. Қоратоев бу таловчиларни қўлдан чиқармаслик учун, четда пойлаб тонг оттирди. Тонг отарда бу ерга милиция бўлими бошлиғининг ўринбосари, милиция майори К. Темиров, милиция капитанлари Э. Жаҳонгиров ва А. Насриддиновлар келиб вагонетка эшигини тақиллатишди.

Ичкаридан: — қани яқинлашиб кўрларингчи, деган овоз эшитилди.

Темиров билан Қоратоевлар шу ерда жасурлик кўрсатишди. Эшикни бузиб, ичкарига киришди. Безорилар билан якама-якка олишишди. Бу ердан тўрт йигит ва бир аёлни ушлаб чиқишди.

Булар ҳеч қаерда ишламасдан ўғирлик ва босқинчилик билан кун кўриб юрган М. Огонесьян, А. Арутюнян, П. Григорьян. В. Лучянчук ва Вера Козловалар экан. Уларнинг ҳеч қандай ҳужжатлари йўқ. Шаҳарма-шаҳар «гастролда» юришар экан. Бу группа шу йўл билан бир қанча жиноий ишларни қилганликларини айтиб беришди.

Текинхўр, ўғри ва таловчилар ўз қилмишларига яраша жазо олишади. Агар шофёр Хленко жиноий ишни ўз вақтида милиция бўлимига айтганда эди, иккинчи ҳодиса бўлмаган бўлур эди. Шундай ҳолларда тегишли органларга хабар қилиш керак, албатта.

А. МИРПУЛАТОВ,
милиция майори.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

РАДИОДА 30

ЯНВАРДА СЕШАНБА

Биринчи

18.00 «Қишлоқларимизнинг янги жамоли» (русча).

18.10 Рус композиторларининг камер куйлари.

18.40 Спорт эшиттириши (ўзбекча).

19.20 И. Акбаров. Иккинчи квартет.

20.00 «Ёшлик» радиостанциясининг программаси.

20.30 Замонавий ўзбек қўшиқлари.

21.00 Халқаро мавзуларда суҳбат (ўзбекча).

21.10 Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт.

22.20 Ёш ижрочилар концерти (ўзбекча).

22.40 М. Горький туғилган куннинг 100 йиллиги олдидан. «Қиз ва ўлим» деган радиокомпозиция (ўзбекча).

23.15 Янги Тошкентни қураётганлар учун концерт (ўзбекча).

Иккинчи

19.00 «Шарқ юлдузи» журнали саҳифаларида (ўзбекча).

19.30 Вальс концерти.

20.00 Тожикистон композиторлари асарларидан концерт.

20.30 Ўзбекистон артистлари ижросида рус композиторлари опералардан парчалар.

20.50 «Копра чироқлари». Қозоғистон радиосининг эшиттириши (ўзбекча).

21.00 Ёшлар ижоди (ўзбекча).

21.30 Москва. Миллионлар ленинча университети.

РАДИО ТЎЛҚИНЛАРИДА

РАДИОДА 31

ЯНВАРДА ЧОРШАНБА

Биринчи

6.15 Тонгги концерт.

8.25 Эстрада куйларини севувчилар учун концерт.

9.30 Дуторчи С. Йўлдошев ижросида куйлар.

9.50 Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш (тожикча).

10.10 А. Рзаев. Фортепьяно ва оркестр учун концерт.

11.15 «Ажойиб кишилар ҳақида ҳикоялар» деган эшиттириш (ўзбекча).

11.25 А. Козловский. «Лола» симфоник сюитаси.

12.15 Куйлар.

13.30 Таниқли эстрада артистларининг концерти (русча).

16.10 СССР Қуролли Кучлари 50 йиллиги олдидан. «Тинчлик посбонлари» деган адабий-музикали эшиттириш (ўзбекча).

16.50 «Правда» газетасининг обзори (ўзбекча).

17.00 «Музикали Тошкент» радиожурнали (русча).

18.00 «Социологлар тадқиқоти» деган эшиттириш (русча).

18.10 Баянчилар концерти.

18.40 Спорт эшиттириши (русча).

19.20 Халқ талантлари концерти (ўзбекча).

20.00 «Индустрлашган Ўзбекистон» радиожурнали (ўзбекча).

20.30 Ўзбек куйлари.

21.00 Халқаро мавзуларда суҳбат (ўзбекча).

21.10 Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт.

22.20 Рақс куйлари (ўзбекча).

22.40 Поэзия кечаси (ўзбекча).

23.15 Радио эшитувчиларнинг талабларига мувофиқ концерт.

Иккинчи

8.25 СССР халқларининг қўшиқ ва рақслари.

9.15 Реклама ва эълонлар.

19.00 Ўзбек классик куйлари.

19.30 «Нина билан ёзилган роман». Адабий эшиттириш (русча).

20.00 Тожик халқ куйлари.

20.30 «Композитор Энрико Гранадос» деган музикали эшиттириш (русча).

21.00 Қардош халқлар адабиёти. Туркман ёзувчиларининг асарлари (ўзбекча).

21.30 Москва. Миллионлар ленинча университети.

Учинчи

14.00 «Қалб қўшиқлари». Музикали радиопостановка (русча).

16.00 Рўзимбек Муродов ижросида «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» достони.

ТЕЛЕВИЗОРДА 30

ЯНВАРДА СЕШАНБА

Биринчи

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида:

18.00 Телевизион янгиликлар.

18.15 «Зудлик билан қўшиқ зарур». Ҳужжатли фильм.

18.35 Кино янгиликлари.

20.00 Эшиттиришлар программаси.

Ўзбек тилида:

20.05 Телевизион янгиликлар.

20.25 Алишер Навоий туғилган куннинг 525 йиллиги олдидан. «АДАБИЙ МЕРОСИМИЗ ОЙНАИЖАҲОНДА».

20.55 «Пахталикўл» шифохонасида. Телеочерк.

21.15 «Совет Шарқи халқларининг мақомлари».

21.50 Совет Қуролли Кучларининг 50 йиллиги олдидан. «СОЛДАТ ҲАҚИДА ҚИССА». Бадиий фильм.

Иккинчи

Рус тилида:

18.00 Ўқув эшиттиришлари программаси. Ўқувчилар учун. Тарих. «Ўзбекистонда 1905—1907 йил революциялари».

18.30 Адабиёт. «Корчагинчилар».

19.00 Студентлар учун. Олий математика.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.00 Эшиттиришлар программаси.

20.05 Телевизион янгиликлар.

20.15 Карл Маркс туғилган куннинг 150 йиллиги олдидан. «У келажакни олдиндан кўра билган».

20.45 «Мушукчага қандай уй ясадилар». Қўғирчоқ фильм.

21.00 Интервидение. Мактабгача ёшдаги болалар ва кичик ёшдаги ўқувчилар учун. «Буратино кўргазмаси».

21.30 Марксизм-ленинизм асослари мактаби тингловчилари учун. Социализмнинг сиёсий иқтисоди. «Социалистик жамоат меҳнатини ташкил этиш». Иккинчи суҳбат. «Меҳнат унумдорлиги ва уни ошириш йўллари».

22.00 И. Шемякин. «Ташвишли бахт». Телеспектакль премьераси.

23.30 «Вақт» информацион программаси.

00.15 Реклама.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА КЎРИНГ

00.30 «Билим». Илмий-оммабоп эшиттиришлар программаси.

01.15 Москва эшиттиришларининг охири.

Учинчи

Ўзбек тилида:

19.55 Эшиттиришлар программаси.

20.00 Ёшлар учун. «Ленин яшаган жойларда».

20.30 Ленин комсомолининг 50 йиллиги олдидан. «АБДУЛЛА НАБИЕВ». Ҳужжатли фильм.

20.40 Тошкент янгиликлари.

20.50 «Балет кечаси».

Рус тилида:

21.40 Болгария халқ қўшиқлари ва рақслари.

22.05 Тошкент янгиликлари.

22.15 «Асрлар давомида яратилган Мексика». Ҳужжатли фильм.

ТЕЛЕВИЗОРДА 31

ЯНВАРДА ЧОРШАНБА

Биринчи

МОСКВА КЎРСАТАДИ

13.00 Эшиттиришлар программаси.

13.05 Телевизион янгиликлар.

13.15 Медицина маслаҳатлари. «Болаларингиз соғлиғи».

13.30 «Янги иқтисодий реформа ва ҳаёт».

14.00 «Оммабоп оркестр куйлари». Бутуниттифоқ радиоси ва телевидениеси симфоник оркестрининг концерти.

14.45 «Билим». Илмий-оммабоп эшиттиришлар программаси.

15.30 «Совет ҳукумати бошчилигида». Ҳужжатли фильм.

16.00 Кундузги Москва эшиттиришларининг охири.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида:

17.55 Эшиттиришлар программаси.

18.00 Телевизион янгиликлар (рус тилида).

18.10 Мактабгача ёшдаги болалар ва кичик ёшдаги ўқувчилар учун. «ЮЛДУЗЧА» тележурнали.

18.40 «Экономикани ўрганамиз». Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш.

19.00 «Ҳайтарма» ансамблининг концерти.

19.40 Телевизион янгиликлар.

19.55 Эшиттиришлар программаси.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

20.00 Эшиттиришлар программаси.

20.05 Телевизион янгиликлар.

20.15 Телетомошабинларнинг талабларига мувофиқ. «Муз устидаги Украина балети». Оммабоп музикали программа.

21.00 Ўқувчилар учун. «Тўрғай».

21.30 Социал аниқлик.

22.00 И. Шемякин. «Ташвишли бахт» телеспектаклининг премьераси.

23.30 «Вақт» информацион программаси.

00.15 «Ёшлик, сенга».

00.45 «Пеленгатор». Телевизион сатирик обзор.

01.15 Москва эшиттиришларининг охири.

Иккинчи

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида:

17.55 Эшиттиришлар программаси.

18.00 Болалар учун. «Раҳим ва Жук». Қўғирчоқ фильм.

18.20 Ўқувчи кундалиги.

18.50 «Нил устида қуёш». Илмий-оммабоп фильм.

19.00 Телевизион янгиликлар.

19.10 «Олмалиқ — металлурглар шаҳри». Ҳужжатли фильм.

19.20 «Танишинг — ёш созандалар».

Ўзбек тилида:

20.00 Ўзбекистон халқ санъати.

20.20 «Фан оламида».

20.40 Телевизион янгиликлар.

20.50 Ўзбекистон санъат усталари.

21.50 «УЛАР ЎТОЛМАЙДИЛАР». Бадиий фильм.

Учинчи

Рус тилида:

20.00 Болалар учун. Мультфильм.

20.10 «Коммунистлар минбари».

20.40 Фридлендер. «Қор». Телеопера.

Ўзбек тилида:

21.20 Адабий Тошкент.

21.40 «Россия юлдузлари» деган ҳужжатли фильм.

КИНОТЕАТРЛАРДА

30 ЯНВАРДА

Ричард учинчи (1 ва 2-серия) — САНЪАТ САРОЙИ, «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА», «ДРУЖБА» (кечқурун).

Жаннатдан қувилганлар — «ЎЗБЕКИСТОН» НАВОИЙ номли, «ВОСТОК» (кечқурун).

Калит—«ЧАЙКА» (кеч соат 6, 8 ва 10 да).

Қора қоплон — «ДРУЖБА» (кеч соат 9 да).

31 ЯНВАРДА

Ричард III (1 ва 2-серия) — САНЪАТ САРОЙИ, «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Шоҳ Султон ҳақида эртак — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10 да).

Қора пантера —«ДРУЖБА» (эрталаб соат 10.20 ва кеч 9 да).

Малиновкада тўй —. «ЧАЙКА» (эрталаб соат 10, 12 ва кундуз 4). Калит (кеч 6, 8, 10 да).

Жаннатдан қувилганлар —«ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА—31/I да Майсаранинг иши.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 31/I да Тошболта ошиқ.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— Майдонда москваликлар»— Совет цирки усталари ва Олег Сокол раҳбарлигидаги радио-механик одам—«Робот» аттракционининг сўнгги гастроллари. Билетлар сотилмоқда.

МУҚИМИЙ НОМЛИ
ТЕАТРДА
ТЕЗ КУНДА

ҚИЗБУЛОҚ

(3 парда 9 ҳикояли фожиа)

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби **ТУРОБ ТУЛА** асари.

Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган санъат арбоби **И. АКБАРОВ** музикаси.

Постановкачи режиссёр
А. Раҳимов.

Дирижёр
Қ. Усмонов.

Рассом
Т. Шораҳимов.

Хормейстер
О. Назруллаев.

Концертмейстерлар
А. Б. Малина ва М. А. Фурман.

Режиссёр ассистенти
Р. Муҳитдинова.

1968 йил 13 февраль кундуз соат 2 да, Тошкент қишлоқ хўжалик ирригацияси ва механизацияси инженерлари институтининг илмий совети мажлисида техника фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун

В. Е. Мольдерф: «Ўрта Осиё дарахтларининг баъзи бир сочилувчан уруғларини экувчи доирасимон аппаратнинг ишини текшириш»деган темада;

В. А. Иванов: «Ременли пахта подборшчиклари териш ременлари ишининг технологик жараёнини текшириш»деган темада;

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан институт кутубхонасида танишиш мумкин (Учительская кўчаси, 39-уй).

ТАШЗАГОТПЛОДОВОШТОРГнинг

қуйидаги магазинлари сабзавотлар, пиёз ва картошкаларни уйларга элтиб бериш юзасидан

буюртмалар

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Буюртманинг минимали оғирлиги 50 кг, бўлиш керак.

Хизмат ҳақи — килограммига 2 тийин.

Магазинлар адреси:

6-магазин — Високовольтний кўчаси, 92/6;

7-магазин — Гагарин кўчаси, 10-а уй;

9 —»— — Шота Руставели кўчаси, 63-уй;

17 —»— — «Халқлар дўстлиги» проспекти, 2-уй;

21 —»— — Гагарин кўчаси, 7-уй;

25 —»— — К. Маркс кўчаси, 26-уй;

26 —»— — Усмон Юсупов кўчаси, 76-уй;

27 —»— — Волгоград кўчаси, 10-а уй;

28 —»— — Муқимий кўчаси, 15-уй;

29 —»— — Новомосковский кўчаси, 33-уй.

ИШГА ТАКЛИФ

«УЗГОСПРОЕКТ»
ИНСТИТУТИГА

Архитекторлар: ҳажмчилар; планчилар; инженерлар: иссиқлик-газ таъминоти ва вентиляция бўйича, электриклар, водопровод ва канализация бўйича, қурувчилар, касалхона жиҳозлари бўйича технологлар, типовой лойиҳа билан таниш бўлган лойиҳачилар. смета ишлари бўйича бош мутахассислар, сметачилар, вертикаль планлаштириш бўйича инженер ва техниклар, чизмачилар, кучсиз ток бўйича техниклар, нусха кўчирувчилар, машинисткалар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 18-уй, кадрлар бўлими (7, 8, 10, 11-трамвайлар, 1, 4, 6 8-троллейбуслар, 11, 14, 28-автобусларнинг «Облисполком» бекати).

РЕСПУБЛИКА ЯЙЛОВ-МЕЛИОРАТИВ ҚУРИЛИШ ТРЕСТИГА

Тошкентдаги лойиҳалаш ташкилотларида ишлаш учун Инженерлар: гидротехниклар, сантехниклар, қурувчилар, электриклар; техниклар: гидротехниклар, сантехниклар, таъминот базаси катта бухгалтери (бош бухгалтер ҳуқуқига), Ҳисоб-китоб ва моддий бўлими техник бухгалтери

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, 1-Свердловский проезди, 9-уй, Телефонлар: В-3-64-77, В-8-15-93, В-3-74-75.

ТОШКЕНТ ЗАРГАРЛИК ФАБРИКАСИГА

Хавфсизлик техникаси бўйича инженер, слесарлар, фрезерчилар, V-VI разрядли токарлар, катта бухгалтер, бухгалтерлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Сағбон кўчаси, 17-тупик, 4-уй.

ТОШКЕНТ ЭЛЕКРОТЕХНИКА ЗАВОДИГА

қоровуллар бошлиғи, прессчи, рухловчи, автоматчи; слесарлар: асбобсоз белгиловчи, ускуналар ремонти бўйича: юкчилар, электромонтёр, вахтёр, омборчи, тунукасоз, ёрдамчи ишчилар, ўт ўчирувчи, фрезерчи, металлар бўйича бўёқчилар, 10-11 синф ҳажмида маълумотли шогирдлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Манжара кўчаси, 135-уй (5-трамвай, 7, 12, 17, 22, 26, 55-автобусларнинг «Қорасув» бекати).

Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги

МАРКАЗИЙ КОНСТРУКТОРЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ БЮРОСИНИНГ ЛОЙИҲА ИШЛАРИГА

инженер ва техниклар; қурувчилар, электриклар, сантехниклар, сметачилар; инженерлар: иқтисодчилар, консерва мой-ёғ саноати технологлари; машинисткалар ва муқавачи

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Ўзбекистон кўчаси, 30-а уй.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 БЕТ
«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»— Орган Ташкентского Горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси, 15-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ. Коммутатор—В3.02-49 дан В3-02.58 гача, редактор ўринбосарлари — В3-29-33; В3-29.09; масъул секретарлар — В3.27.22; партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари—В3-29-42; саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — В3-27-03; адабиёт санъат ва маданият бўлими — В3.29.55; хатлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлимлари—В3-29-70; фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари—В3-27.57; ахборот бўлими—В3.65-57; эълонлар бўлими—В3-81-42.

30 ЯНВАРЬ, 1968 Й. Р. 06599. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64579. Нашр. № Б. 2320.